Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1993 йил 22 сентябрь, чоршанба № 172—173 (21.524). Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 21 сентябрь куни Америка Қўшма Штатларининг «Юнайтед Техноложис» корпорацияси Президенти Жорж Дэвид бошчилигидаги ишбилармонлар делегациясини қабул қилди.

Ислом Каримов суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Америка ишбилармонлари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтириш лозимлигини таъкидлади.

Ўзининг аниқ иқтисодий йўналишини белгилаб олган республикамиз сифатли маҳсулот ишлаб чиқарадиган ҳалол ва илғор фирмалар билан ҳамкорлик қилишни истайди, — деди мамлакат раҳбари. — Ислоҳотимизнинг беш принципидан бири иқтисодиётни снёсатдан ҳоли қилишдир.

Меҳмон қабул учун Президентга миннатдорлик изҳор этар экан, қўл остидаги корпорациянинг совутгичлар, самолёт двигатели ва парраклари, вертолёт, лифт ускуналари каби маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи фирмалари билан Ўзбекистон корхоналари ўртасида йўлга қўйилаётган истиқболли алоқалар хусусида сўзлади.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Султонов қатнашди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Шу йил 20 сентябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг VIII пленуми бўлиб ўтди. Пленумда «Халқ демократик партияси ташкилотларининг республика Президенти, ХДП Раиси И. А. Каримовнинг Олий Кенгаш XIII сессиясида Ўзбекистон иқтисодий снёсатининг устивор йўналишлари ҳақида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисида» ва «Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг миллий истиқлол мафкурасини яратишга оид нуқтаи назари» тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Марказий Кенгаш биринчи котиби М. М. Расуловнинг ушбу масалалар юзасидан маърузаси муҳокамасида Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгашининг иккинчи котиби У. Носиров, Балиқчи тумани партия кенгаши биринчи котиби С. Расулова, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, Муборак газни қайта ишлаш заводи бош директори Н. Зайниев, Наманган давлат университети декани И. Юсупов, Сирдарё тумани «Синдоробод» жамоа хўжалиги бригада бошлиғи М. Синдоров ва Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир тумани партия кенгашининг биринчи котиби А. Матниёзовлар қатнашдилар. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленум ташкилий масалаларни ҳам кўрди. М. Қирғизбоев Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг иккинчи котиби ва Сиёсий ижроқўм аъзоси вазифаларидан озод этилди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иброҳим Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг директори бўлиб ишлаб келаётган фалсафа фанлари доктори А. М. Жалолов Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши иккинчи котиби ва Сиёсий ижроқўм аъзоси этиб сайланди. Шунингдек, пленумда Марказий Кенгаши ички партиявий ишлар бўлимининг мудири А. М. Мирқосимов, Марказий Кенгаш котиби — бўлим мудири ва Сиёсий ижроқўм аъзоси, Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашининг биринчи котиби Ш. Ш. Шоисломов МҚ Сиёсий ижроқўмининг аъзоси этиб сайландилар. Х. М. Абдураимов ва Э. М. Рўзиевлар бошқа ишга ўтиб кетганликлари муносабати билан Марказий Кенгаш Сиёсий ижроқўми аъзоси вазифасидан озод қилиндилар.

А. Суюнов (Азим Суюн) «Ўзбекистон овози» газетасининг бош муҳаррири лавозимига тасдиқланди.

Шунинг билан пленум ўз ишини тугатди.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ ИККИНЧИ КОТИБИ

Абдулҳафиз Мараҳимович ЖАЛОЛОВ



1947 йилда Наманган шаҳрида туғилган. Ўзбек. Маълумоти — олий. Тошкент Давлат университетини тугатган. фалсафа фанлари доктори.

Университетни битириб, армия сафларида хизмат қилди. Сўнг мазкур университетнинг фалсафа кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлади. Кейинчалик Ўзбекистон Фанлар академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ институтида илмий ходим, республика жисмоний тарбия олий билимгоҳида фалсафа кафедрасининг мудири, ижтимоий фанлар ўқитувчиларининг малакасини ошириш институтида доцент, директор ўринбосари, партия марказий органларида лектор, лекторлар гуруҳининг раҳбари, бўлим мудири муовини лавозимларида ишлади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топгач, унинг Марказий Кенгашида матбуот, ахборот ва тарғибот бўлимини бошқарди. Сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жаҳон муаммолари институтида бўлим мудири бўлиб фаолият кўрсатди. Ҳозиргача Ўзбекистон Фанлар академиясининг И. Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институтида директор вазифасида ишлаб келяпти.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ КОТИБИ

Алишер Муҳамедович МИРҚОСИМОВ



1949 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбек. Маълумоти — олий. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳамда Тошкент олий партия мактабини тугатган.

Институтни битиргач, Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида оддий ишчи, участка бошлиғи, бирлашма касаба уюшмаси раиси сифатида меҳнат қилди. Тошкент шаҳри ва вилояти партия органларида масъул ходим, бўлим мудири бўлиб ишлаган. Сўнгра Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани халқ депутатлари кенгаши ижроия қўмитасининг раиси, Ўзбекистон Вазирлар Кенгашида бўлим мудири, партия органларида масъул лавозимларда хизмат қилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топгандан буён унинг Марказий Кенгашида ички партиявий ишлар бўлими мудири лавозимида ишлаб келди.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

Ўзбекистон ХДП МКда қабул

21 сентябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби М. Расулов Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Ф. Ф. Сидорскийни унинг илтимосига кўра қабул қилди.

Суҳбат чоғида жаноб Филлип Сидорский Ўзбекистонда Республика Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар снёсатининг оқилоналигига ва халқпарварлигига, турли миллат ва халқлар ўртасида эришилаётган барқарорлик, тинчлик ва осойишталик муҳитига, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида, жумладан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида тутган ўрни ва умуман ташқи снёсатига юксак баҳо берди. Шунингдек, ҳозирги кунда Россия Федерациясида вужудга келган мураккаб ижтимоий-снёсий ва иқтисодий вазият ҳақида тўхталди.

Ўз навбатида Маҳмуджон Расулов яқинда ўз ишини тамомлаган республика Олий Кенгашининг XIII сессияси якунлари, Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган иқтисодий снёсатнинг устивор йўналишларини амалга оширишда ва миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришда Халқ демократик партиясининг ўрни ва ҳозирги кундаги фаолияти билан меҳмонни муфассал таништирди.

Шунингдек, учрашувда иккала давлат ўртасидаги амалдаги серқирра муносабатларни ривожлантириш ва ўрнатилиши мумкин бўлган алоқалар хусусида ҳам фикрлашиб олинди.

Дўстона ва самимий ўтган суҳбатда Россия Федерацияси элчисининг маслаҳатчиси С. Кудрявцев, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг котиби А. Саидов ва бўлим мудири К. Жуманиёзов иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП МКнинг матбуот маркази.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ўзини ўзи бошқариш органлари жамият ва давлат ишларини бошқаришда қатнашишга доир ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқаришларида фуқароларга кўмаклашади, ўз ҳудудларидаги ижтимоий ва хўжалик вазифаларини ҳал этиш, оммавий-маданий тадбирларни ўтказиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг, халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг қарорларини бажаришда ёрдамлашиш мақсадида фуқароларни бирлаштиради.

2-модда. Ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудий принцип бўйича тузилади. Ўзини ўзи бошқариш органлари иш олиб борадиган ҳудудларни фуқароларнинг таклифига кўра туман, шаҳар ҳокими белгилайди, ушбу қарор кейинчалик тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Йиғинлар ишида ўн саккиз ёшга етган ва мазкур ҳудудда доимий яшовчи фуқаролар қатнашади.

3-модда. Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, уларнинг фаолият кўрсатишини ташкил этиш ҳамда ваколат кўлами ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солиб турилади.

Қорақалпоғистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари билан тартибга солиб турилади.

4-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади ва герб тасвири туширилган, белгиланган намунадаги муҳрига эга бўлади.

II. ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИНИ ЧАҚИРИШ ТАРТИБИ

5-модда. Фуқаролар йиғинини раис (оқсоқол) тегишли халқ депутатлари Кенгаши ёки ҳоким билан келишган ҳолда заруратга қараб чақиради. Фуқаролар йиғини шунингдек халқ депутатлари Кенгаши, ҳоким томонидан ёки ўн саккиз ёшга етган ва ушбу ҳудудда яшаётган фуқаролар учдан бир қисмининг ташаббуси билан чақирилиши мумкин.

6-модда. Йиғин чақиришнинг илгари бўлмаган тақдирда фуқаролар вакилларининг йиғилиши ўтказилади. Йиғилишларга кўчалар ва турар жой биноларидан, маҳаллалардан ва бошқа ҳудудий тузилмалардан фуқароларнинг намояндалари ушбу Қонун 2-моддасининг иккинчи қисмида кўзда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда вакил қилиниши мумкин. Вакиллик меъёрларини тегишли халқ депутатлари Кенгаши ёки туман, шаҳар ҳокими белгилайди.

7-модда. Фуқаролар йиғинларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган барча аҳолининг ярмидан кўпроғи уларга келган тақдирда йиғинлар ваколатли ҳисобланади, вакиллар йиғилишлари эса уларга делегатларнинг камида учдан икки қисми келган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

(Давоми иккинчи бетда).

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1993 ИИЛ 21 СЕНТЯБРГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Вилоятлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Режадагига нисбатан ҳисобида	фоиз
Хоразм	2,61	20,92	Тошкент 0,45	0,61
Сурхондарё	2,10	17,23	Жиззах 0,00	0,00
Бухоро	1,83	12,17	Наманган 0,00	0,00
Қорақалпоғистон Республикаси	1,31	7,29	Самарқанд 0,00	0,00
Қашқадарё	0,65	2,61	Сирдарё 0,00	0,00
Фарғона	1,23	2,33	Ўзбекистон Республикаси бўйича: 0,96	5,37
Навоий	0,02	2,02		
Андижон	0,71	1,62		
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Сурхондарё	1,25	10,25	Наманган 0,00	0,00
Қашқадарё	0,03	0,16		
Андижон	0,00	0,00	Ўзбекистон Республикаси бўйича: 0,95	7,84
Бухоро	0,00	0,00		
Навоий	0,00	0,00		

Туркияда Ўзбекистон маданияти кунлари

ОТА ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИ ҚАРДОШЛАР ДИЁРИДА

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИНГ МАХСУС МУХБИРИ АЗИМ СУЮН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ ХАБАР БЕРАДИ

Истанбул, 21 сентябрь. Қардош ва қондош Туркия диёри Ўзбекистон адабиёти ва санъати намояндаларини кенг қучоқ очиб кутиб олди. Бу мамлакатда биринчи марта бошланаётган мустақил Ўзбекистон маданияти кунлари қатнашчилари ўтган куни ярим тунда махсус самолётда Истанбул тайёрагоҳига келиб қўндилар. Ўн миллиондан зиёд аҳолиси бўлган жаҳонга машҳур бу шаҳар ўзининг тунги жўшқин ҳаёти билан ҳар бир кишига аллақандай ғурур ва завқ беради. Туркияга етиб келган маданий тадбирлар қатнашчилари сафида Ўзбекистон маданият ишлари вазири, Эркин Ҳайитбоев, Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциациясининг раиси Наим Ғойибов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов, Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон халқ депутати Эркин Воҳидов, Самарқанд вилояти маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Ғайбулла Ашуров, Бухоро шаҳар бош архитектори Насим Шарипов ва шу сатрларнинг муаллифи бор. Бундан ташқари, «Баҳор», «Самарқанд» каби етук санъат жамоалари ва бадиий ҳаваскорлик дасталарининг жуда кўп саҳна юлдузлари бу ерда Ўзбекистон санъатини катта маҳорат билан намойиш этишга белни маҳкам боғлаб турибдилар.

Кеча кундузи вакиллари миз Истанбулдан Анқарага самолётда учиб келишди ва «Буюк Анқара» меҳмонхонасида жойлашишди. Кеча кечқурун Туркия маданият вазири Д. Фикрий маданият кунларининг қатнашчилари шарафига расмий зиёфат берди. Бу маросимда икки мамлакат маданият намояндалари бундан буён азалий ва замонавий қардошлигимизни турли соҳаларда янада мустаҳкамлаш ҳақида гапирдилар.

Туркиянинг пойтахти Анқарадаги «Буюк театр» санъат саройида республикамиз маданият кунларининг тантанали бошланишига катта тайёргарлик кўрилган. Кечаги куннинг ўзидаёқ Ўзбекистон ва Туркия адабиёт ва санъат намояндалари бир-бирлари билан учрашиб бир оиланинг фарзандларидек дил суҳбатларини бошлаб юбордилар.

• *Барҳаёт анъаналар*



Ўзбекистонда осойишта ва барқарор вазият ҳақида сўз кетар экан, турли миллат фарзандларининг тотувлиги ва бародарлигини алоҳида таъкидлагимиз келади. Йўқ, бу гапларни зинҳор баландпарвоз иборалар сифатида қабул қилманг. Кечаги шанба-якшанба кунлари Томди туманининг серфайз кенгликларида ана шу оға-иниликнинг ёрқин намойиши бутун жилвалари билан ўзуур топди. Қозоғистоннинг Оқтепа вилоятида дунёга келиб, Ўзбекистонда донг таратган, икки марта Меҳнат Қаҳрамони, академик Жабай Балимановнинг юз йиллиги тантанасида ўзбек ва қорақалпоқ, рус ва украин, қозоқ ва туркман шодон кайфиятда юз кўришди.

Энг ҳаяжонли дақиқалардан бирини гапириб берай. Жабай Балиманов музейи очилишига бағишланган тантанали митингда Томди тумани ҳокими Марат Сулаймонов ана шу музей қурилишига катта ҳисса қўшган Зарафшон шаҳта қурилиши бошлиғи Вахтанг Капанадзега миллий тўн кийдирганда бир қозоқ аёли беихтиёр. «Жуда тўғри, шу ўғлим қурилишда тиним билгани йўқ» деб юборганида ҳамма чапак чалиб юборди. Бу шунчаки баландпарвоз гап эмас, қозоқнинг қалбидан отилиб чиққан миннатдорчилик изҳори эди.

Икки кун давом этган байрам дастуридаги тадбирларни тўла санаб чиқиш мушкул. Умри сурув кетидан ўтган, доим эл фаровонлигини ўйлаган Жабай отанинг 100 ёшлик тўйига мамлакатимизнинг турли бурчакларидан вакиллар ташриф буюришди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков йиғилганлар ҳузурида нутқ сўзлади, музей кўрганда ҳам, машҳур чўпон хотирасига бағишлаб ўтказилган кўпкарида бош совринни қўлга киритган Учқудуқ туманининг «Дўстлик» давлат хўжалиги полвони Тоғай Жамшидбоевнинг ёниб турган кўзларида ҳам кўрдик.

— Бу ерда меҳнат кишиси улуғланмоқда, — дейди республика қишлоқ хўжалиги вазири Норбек Қаюмов биз билан суҳбатда. — Демак, манови қўшиқ куйлаётган ёшлар учун ҳам ажойиб намуна, ибрат, бор. Улар ҳақ

Кенг яйловга ўрнатилган улкан саҳнада оқинлар жўшиб куйлашмоқда. Кимнинг қўшиғига қандай совриндан муносиблигини махсус ҳайъат аъзолари аниқлашмоқда. Қозоқ миллий чолғу асбобларидан янграган жозибадор қўшиқлар кўнгилни қитиқлайди. «Оёқкудуқ» совхози директори Жубаниш Дўпасов ўз табригини шеърий сатрларда ифодалади. Ҳа, бу ердаги кўтаринкиликда шоир бўлиб кетиш ҳеч гап эмас. Шуни айтиш керакки, бу ерда ким билан суҳбатлашманг,

ТОМДИ: ҚАҲРАМОН ЧЎПОННИ ШАРАФЛАБ

очилиш маросимида лентани қирқди.

— Жабай улуғ одам эди, — деди митингда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Оқберди Исаев. — Мен ўзим республика раҳбарлари унинг елкасига уриб «Раҳмат!» деган пайтларга гувоҳ бўлганман. Жабайни Жабай қилган — бу она Ўзбекистон.

Гарчи музей Ж. Балиманов номи билан аталса-да, ундаги осори атиқалар маҳаллий аҳолининг ўтмиш ҳаёти ҳақида мароқли ҳикоя қилади. Демак, томдиликлар табаррук тупроқ тарихини дилда Ватан туйғуси-ла эъзозламоқдалар. Виз бу ҳиссиётни кенг яйлов бағрига тикилган байрам ўтовларини лол меҳнати билан яхши ном қолдирган чўпон изидан боришга интиладилар.

— Жабай ота биз, қорақалпоқлар учун ҳам қадрдон, — дейди бу ердаги танаталарга етиб келган Қорақалпоғистон Олий Кенгаши экология ва қишлоқ хўжалиги қўмитаси раиси Давлатбой Хўжаниёзов, — чунки у Томдига кўчиб келишидан олдин Тўрткўл ўрмон хўжалигида ишлаган. Биз Балиманов издошларини кўриб, уларнинг кўтаринки кайфиятидан хурсанд бўлдик. Россия, Кавказ томонларда хавотирли ҳолат давом этаётган бир пайтда бизнинг мамлакатимизда эл-юрт мана шундай тўй-тантаналарни нишонламоқда. Аҳиллигимизга кўз тегмасин.

ҳамма бир овоздан осойишта вазиятнинг барқарорлиги учун, меҳнаткаш халқнинг ижтимоий ҳимояси учун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга миннатдорчилик сўзларини изҳор этишди. Шундай Ватан билан, унинг бунёдкор одамлари билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Жабай Балимановнинг 100 йиллик тантаналарида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси М. Б. Умурзоқов қатнашди.

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.
Навоий вилояти.

Суратни Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

8-модда. Фуқароларнинг йиғини (йиғилиши)ни олиб бориш учун раёсат сайланади. Йиғин (йиғилиш)ни раис (оқсоқол) ёки унинг маслаҳатчиларидан бири олиб боради. Барча масалалар бўйича қарорлар очиқ овоз бериш орқали ва оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

9-модда. Фуқароларнинг ҳар бир йиғини (йиғилиши)да баён юритилади, унда йиғин (йиғилиш) ўтказилган сана, ҳозир бўлган фуқаролар сони, кун тартиби ва қабул қилинган қарорлар қайд этилади. Йиғин (йиғилиш) баёни ва қарорларини раис (оқсоқол), унинг йўқлигида эса маслаҳатчиларидан бири имзолаб, тегишли туман, шаҳар ҳокимига юборади.

III. РАИС (ОҚСОҚОЛ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИНИ САЙЛАШ ТАРТИБИ

10-модда. Раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчиларини фуқаролар йиғини (йиғилиши) тегишли туман, шаҳар ҳокими билан келишган ҳолда сайлайди.

11-модда. Маслаҳатчиларнинг миқдор таркибини йиғин (йиғилиш) белгилайди. Маслаҳатчиларнинг номзодларини йиғин (йиғилиш)га раис (оқсоқол) тавсия этади.

12-модда. Раис (оқсоқол) ва маслаҳатчилар уларга йиғин (йиғилиш)да ҳозир бўлган фуқароларнинг ярмидан кўпроғи овоз берса, сайланган ҳисобланадилар.

13-модда. Раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари тегишли ҳудуддан ташқарига чиқиб кетсалар ёки туман, шаҳар ҳокимининг таклифига биноан, ёхуд йиғин (йиғилиш) қатнашчилари камида учдан бир қисмининг ёзма талабига кўра муддатидан илгари қайта сайланиши мумкин.

IV. УЗИНИ УЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА МОЛИЯВИЙ НЕГИЗИ

14-модда. Ўзини ўзи бошқариш органлари қурган, сотиб олган ёки қонунда белгиланган тартибда уларга берилган жамоат объектлари, ижтимоий-маиший ва бошқа объектлар, шунингдек сотиб олинган транспорт воситалари, хўжалик анжомлари ҳамда бошқа мол-мулк ўзини ўзи бошқариш органларининг мулкидир.

15-модда. Ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий ресурслари халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан ажратиладиган бюджет маблағларидан, фуқаролар ва меҳнат жамоаларининг ихтиёрий хайр-эҳсонларидан, хайрия жамғармалари ажратиб берадиган маблағлардан таркиб топади.

Ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий маблағлари банкдаги мустақил счетларда сақланади, улар томонидан мустақил тасарруф этилади ва олиб қўйилиши мумкин эмас.

V. УЗИНИ УЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

16-модда. Фуқароларнинг йиғини (йиғилиши):

ўзини ўзи бошқариш органининг фаолият дастури ҳамда харажатлар сметасини, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва санитария ҳолатини яхшилашга доир тадбирлар режаларини тасдиқлайди;

раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари ишининг асосий йўналишларини белгилайди, ҳар йили уларнинг ҳисоботларини тинглайди;

ўз ҳудудидаги ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш учун аҳолининг, мулкчиликнинг барча шаклидаги корхона, ташкилот ва муассасаларнинг маблағларини ихтиёрийлик асосида бирлаштириш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади;

пул маблағлари сарфланиши устидан назорат қилишни ташкил этади, зарур бўлганида тафтиш комиссияси тузади ва ушбу комиссия тўғрисидаги низомни тасдиқлайди;

қонунларда белгиланган тартибда ўз ҳудудида кичик корхоналар, кооперативлар, устахоналар, халқ ҳунармандчилиги цехларини ташкил этиш масалаларини кўриб чиқади;

йиғиннинг, маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг чегараларини ўзгартиришга, кўча, майдон ва бошқа жойларнинг номини ўзгартиришга доир масалаларни кўриб чиқади ҳамда тегишли давлат органларига таклифлар тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

17-модда. Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқароларининг йиғини (йиғилиши) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан келишган ҳолда савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари аҳоли учун қулай соатларда ишлашини белгилайди, маъмурий комиссия тузади.

18-модда. Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқароларининг йиғини (йиғилиши) раиснинг (оқсоқолнинг) шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун ажратиб бериладиган ер участкалари тўғрисидаги тақдимномасини, раиснинг (оқсоқолнинг) корхоналарга, муассасаларга, фуқароларга эгалик қилиш, фойдаланиш учун ва ижарага ер бериш ҳамда бу субъектларнинг ерларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ҳуқуқларини тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг эгалигидаги ерлар таркибига кирмайдиган, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктлари чегарасидаги ерларни олиб қўйиш тўғрисидаги қарорларини тасдиқлайди.

Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқароларининг йиғини (йиғилиши) Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ер муносабатлари соҳасидаги бошқа масалаларни ҳам ҳал этади.

VI. УЗИНИ УЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ СТРУКТУРАСИ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

19-модда. Йиғин раиси (оқсоқоли) ва йиғин раиси тайинлайдиган котиб йиғин қарорлари бажарилишини, шунингдек фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жорий фаолиятини ташкил этади ва амалга оширади. Раиснинг (оқсоқолнинг) котиб тайинлаш тўғрисидаги қарори фуқароларнинг йиғини томонидан тасдиқланади.

Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқароларининг йиғини раиси (оқсоқоли) ўз аппаратига эга бўлиб, унинг миқдори халқ депутатлари туман Кенгаши ёки туман ҳокими билан келишилган ҳолда йиғин (йиғилиш) томонидан белгиланади.

Раис (оқсоқол), котиб ва аппарат ходимларига туман, шаҳар бюджети маблағлари ҳисобидан ҳақ тўланади.

20-модда. Котиб ҳамда йиғин раиси (оқсоқоли), аппаратнинг ходимлари умумий йиғилишлар ўтказишга доир материаллар тайёрлайди, фуқароларнинг йиғини ҳамда йиғин раиси (оқсоқоли) қарорлари ижрочиларга ўз вақтида етказилишини кузатиб боради, иш қоғозларини юритади, ҳужжатлар сақланиши учун жавоб беради, фуқароларга бериладиган маълумотномаларни расмийлаштиради, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ва овуллардаги ҳарбий хизматга мажбур шахсларни ва чақирилувчиларни дастлабки тарзда ҳисобга олинишини таъминлайди, раис (оқсоқол) топшириғига биноан ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари доирасида бошқа ишларни амалга оширади

21-модда. Жамоатчилик асосида ишлайдиган раис (оқсоқол) маслаҳатчилари ўртасидаги вазифалар тақсимоти раис (оқсоқол)нинг тақдимига кўра фуқароларнинг йиғини (йиғилиши) томонидан амалга оширилади.

VII. РАИС (ОҚСОҚОЛ)НИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

22-модда. Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли):

Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва маҳаллий ҳокимият органларининг қарорларини бажаришга доир ишларни ташкил этади, фуқароларнинг моддий ва уй-жой, маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилади;

қонунларда кўзда тутилган ҳолларда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, суд идораларида, корхона, муассаса ва ташкилотлар билан бўладиган муносабатларда фуқаролар манфаатларини ҳимоя қила олади;

фуқароларнинг ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда, оммавий-сиёсий тадбирларда қатнашишларини ташкил этади, аҳолига савдо ва коммунал-маиший хизмат кўрсатилишини яхшилашга кўмаклашади, бу мақсадларда тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар ва ташкилотлар тақдим этадиган моддий ва бошқа маблағлардан фойдаланади;

дўконлар, ошхоналар, чойхоналар, бозорлар иши, савдо қоидаларига риоя этилиши, фуқароларга маданий хизмат кўрсатиш таъминланиши устидан жамоатчилик назоратини ташкил қилади;

аҳоли пунктлари, сув таъминоти манбалари, уй-жойлар, мактаблар ва бошқа муассасаларнинг санитария ҳолати устидан назорат қилинишига кўмаклашади;

қабристонлар, қардошлик қабрлари ва бошқа мозорларни саранжом сақлаш юзасидан жамоатчилик ишларини ташкил қилади;

алоқа органларига маҳаллий телефон ва почта алоқасини ривожлантиришда, радиолаштириш борасида, маҳаллий алоқа иншоотларини муҳофаза қилишда ёрдам беради;

эгасиз мол-мулкни, шунингдек давлатга мерос тарзида ўтган мол-мулкни сақлаш ва тасарруф этиш чораларини кўради;

деҳқон хўжаликларининг оилавий мулк тақсимотларини рўйхатга олади, ўз ҳудуди доирасида яшовчиларни ҳисобга олиб боради;

шаҳарча, қишлоқ ва овуллар ҳудудидаги ерларнинг ишлатилиши ва муҳофаза этилиши устидан назорат қилади, фуқаролар йиғини (йиғилиши) муҳокамасига ер муносабатларини тартибга солиш масалаларини киритади;

иморат қуриш қоидаларига риоя этиш, хонадонларга туташ жойларни ораста бўлиши, жониворларни сақлашга оид ветеринария қоидаларини бажариш устидан жамоат назоратини ташкил қилади;

аҳолидан солиқ, суғурта ва бошқа хилдаги тўловлар ўз вақтида тушишига кўмаклашади;

аҳоли пунктларида ёнғинга қарши тадбирлар ўтказишни ташкил этади, зарур бўлганида эса табиий офатларга қарши курашга ва уларнинг оқибатини тугатишга фуқароларни жалб этади;

тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига кўмаклашади;

ҳарбий хизматга мажбур шахслар ва чақирилувчиларни ҳарбий комиссариатларга чақирилаётганликларидан хабардор этишни ташкил қилади, аҳолини фуқаро мудофаасига доир тадбирлар ўтказишга жалб этади;

давлат ва жамоат органларига ногиронлар, боқувчисидан маҳрум бўлган оилалар, кўп болали оилалар, ёлғиз оналар, шунингдек табиий офатлардан жабр кўрган фуқароларнинг моддий ва уй-жой, маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида таклифлар киритади;

вояга етмаганлар назоратсиз қолишининг олдини олишга доир жамоатчилик ишларини ташкил этади, ота-онасининг қарамоғисиз қолган болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлаштиришга, шунингдек ёшларни ишга жойлаштиришга кўмаклашади;

аҳоли орасида лекция, маъруза ва суҳбатлар ўтказишни ташкил қилади, фуқароларга мунтазам равишда кино хизмати кўрсатишга, китоб савдосини ривожлантиришга, газета ва журналларнинг тарқатилишига ёрдамлашади, меҳнаткашлар оммавий равишда дам оладиган ҳудудларни ташкил этишга, спорт иншоотлари тармоғини ривожлантиришга кўмаклашади;

тегишли ҳудудда байрам кунлари ва шонли саналар муносабати билан оммавий тадбирлар ўтказишни ташкил қилади;

давлат органларига фуқаролар йиғини (йиғилиши)нинг кўча ва майдонлар, аҳоли пунктлари таркибий қисмининг номини ўзгартириш, уйларни рақамлаб чиқиш хусусида таклифлар киритади;

фуқароларни қабул қилади, фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқади, улар юзасидан зарур чоралар кўради;

фуқароларга уларнинг шахсини, оилавий ва мулкий аҳволини тасдиқловчи маълумотномалар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонунларида кўзда тутилган бошқа ҳужжатлар беради;

Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

23-модда. Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролари йиғинининг раиси (оқсоқоли) фуқаролик ҳолати актларини рўйхатга олади, айрим нотариал ҳаракатларни амалга оширади.

VIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

24-модда. Ўзини ўзи бошқариш органлари ўзларига берилган ваколатлар доирасида қарорлар қабул қиладилар. Бу қарорларни тегишли ҳудудда яшайдиган барча фуқаролар адо этишлари шарт. Ўзини ўзи бошқариш органларининг қонунларга зид ҳужжатларини халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари ёки тегишли ҳокимлар бекор қиладилар.

25-модда. Ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, шунингдек раис (оқсоқол)нинг ҳатти-ҳаракатлари устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1993 йил 2 сентябрь.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

«ФУҚАРОЛАРНИНГ УЗИНИ УЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ТУҒРИСИДА»ГИ УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин.

3. Туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимлари жорий йилнинг 1 декабригача ўзини ўзи бошқариш органлари амал қиладиган ҳудудларнинг тегараларини белгилаб олсинлар ҳамда йиғинларнинг раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказсинлар.

4. Ўзини ўзи бошқариш органлари амал қиладиган ҳудудларнинг тегралари аниқлангунга ҳамда йиғинларнинг раислари (оқсоқоллари) Қонунда белгиланган тартибда сайлангунга қадар уларнинг вазифаларини бажариб туриш халқ депутатлари шаҳарча, қишлоқ ва овул Кенгашларининг раислари зиммасига, маҳаллаларда эса — маҳалла қўмиталарининг раислари зиммасига юклатилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида»ги Кодекси «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги ҳамда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунларга мувофиқ ҳолга келтирилгунга қадар илгари халқ депутатлари туман, шаҳар, шаҳардаги туман, шаҳарча, қишлоқ, овул Кенгашлари ижроия қўмиталари ҳузуридаги маъмурий комиссиялар ихтиёрига берилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлари тегишли равишда туман, шаҳар ҳокимиятлари ва шаҳарча, қишлоқ, овул ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги маъмурий комиссиялар томонидан кўриб чиқилади.

6. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

1980 йил 14 мартда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари посёлка Совети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1980 йил, № 9, 108-модда);

1980 йил 14 мартда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари қишлоқ Совети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1980 йил, № 9, 109-модда);

Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари, посёлкалари ва қишлоқларидаги маҳалла (квартал) комитетлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Раёсатининг 1983 йил 4 июлдаги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1983 йил, № 20, 330-модда);

Ўзбекистон Республикасида гражданларнинг истиқомат жойларидаги умумий йиғилишлари, йиғинлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Раёсатининг 1988 йил 30 ноябрдаги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1988 йил, № 34, 398-модда).

Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгашининг Раиси **Ш. ЙЎЛДОШЕВ.**

Тошкент шаҳри,
1993 йил 2 сентябрь.

КИМ ЎҒРИ?

Элликқалъадан топилган танга асл маънода бебаҳо эди. Унинг бир юзида Арсамухнинг расми туширилган, иккинчи юзида Хоразм давлатининг герби тасвирланган. Мутахассислар бу ноёб топилманинг жаҳонда бошқа бирон нусхаси учрамаганини эътироф этишган. Аждодлар тарихини ўзида акс эттирган бу бебаҳо ёдгорлик жаҳоннинг мана ман деган музейларининг тўридан жой олиши турган гап. Афсуски, нодир ва бебаҳо ёдгорлик куппа-кундузи кўздан ғойиб бўлди... Ким ўғри-ю, ким тўғри?

Бу ёруғ дунёда бировни «ўғри» аташдан ортиқ тавқилаънат йўқ. Лекин бир бандани ноҳақ ўғри деб кўрсатишдан оғирроқ гуноҳи азим ҳам йўқ. Шу сабаб биз ҳам «ана у ўғри» деб кўрсатишдан ўзимизни тиямиз. Қолаверса, бу бизнинг вазифамизга кирмайди. Биз фақат Ўрта Осиё, балки дунё тарихини идрок этишда беқиёс аҳамиятга эга бўлган бебаҳо ёдгорликнинг бир қўлдан иккинчи қўлга ўтиши билан ғойиб бўлганлигини тадқиқ этишга уринамиз, холос.

Дунё етти марта бозор иқтисодиётини бошдан кечирган маҳалда ҳам сотилмайдиган, бебаҳо бойликлар мавжуд. Буни бизнинг замонда соддагина қилиб қадриятлар, дейдилар. Ана шундай бебаҳо бойлик саналмиш қадимий танга элликқалъалик Юсупбой Отажонов қўлида сақланиб келарди. Бу танга унга бобосининг бобосидан, бобосининг бобосига катта бобосидан мерос эди. Лекин у олтин танга Хоразм шоҳларининг неча авлодини кўрганлигини не-не таниқли нумизмат — тангашунослар ҳам аниқлай олмай гаранг эдилар. Юсупбой бу бойликдан халқимиз ҳам баҳраманд бўлсин деди-ю, уни Элликқалъа ўлкашунослик музейига кўтариб келди. Ўша пайтда музей директори бўлиб ишлаб турган табиатан чаққонгина Ўразали Жумаев янги топилманинг жаҳон маданиятидаги ўрнини дарров кўра билди, деб бўлмайди. Лекин уни камситмаган ҳолда музейдан жой берди, экспонатлар рўйхатига киритди. Хуллас, Юсупбой бобосининг бобосидан мерос бўлган тангани ишончли қўлга топширганидан енгил тортиб уйига қайтди.

Ҳамма нарса ўз ўрнида эди: ўлкашунослик музейига қадам ранжида қилганлар бу қадимий танга қаршисидан бефарқ ўта олмас эдилар. Айниқса, Хоразм тарихидан бохабар кишилар у ғаройиб ёдгорлик қошида хаёл суриб қолишар, танга юзига туширилган Арсамухнинг тасвири томошабинлар тасаввурини минг йиллар қаърига тортиб кетарди. Одамлар унинг қошида сеҳрланиб, тек қотиб қолишарди. Шундай жозиба ва қудратга эга эди бу ёдгорлик. Қадриятларнинг асл мавқеи, ўқ илдизи ҳам ана шунда-да! Бу ёдгорлик Юсупбойнинг бобосининг бобосидан қолган бўлса-да, аслида у бутун Хоразмнинг бобокалонларидан инсониятга мерос эди. Юсупбой боболарининг меҳрини соғинганда отланиб, туман марказига келар, музейга кириб, бобосини тавоб қилгандек тангани кўзига суртиб тавоб қиларди. Айни пайтда танганинг ўз ўрнида турганидан таскин олиб, қишлоғига қайтарди.

Кунлардан бир кун қишлоқи Юсупбой музейга кириб, танг қотиб қолди: не кўз билан кўрсинки танга ўрни ўйиб олинган кўздай бўм-бўш турарди. Шу кезда Юсупбойнинг хаёлидан нималар ўтди, ёлғиз худонинг ўзига маълум. Ҳар ҳолда Юсупбойнинг икки юзи докадек оқариб кетган, лаблари калимаға келмай титрар, қўли билан танганинг ўрнини пайпаслар эди. Орқада жилмайиб турган музей директори томонга ўгирилиб, мен аҳмоқ сенларга ишониб юрибманми, дегандек термулди. Музей директори Жумаев эса ўз ишини қўйиллатиб қўйган чавандоздек, отдан тушса ҳам эгаридан тушмасди:

— Юсупбой, сиз билан бизга омад кулиб боқди! — деди жиддий сўз қотиб Жумаев. — Музейимизга улуғларнинг қадами келиб етди, омадимиз келгани ана шу бўлса керак-да...

Музей директори ўз сўзининг тасдиғи сифатида темир сандиқда авайлаб сақланаётган ушбу тилхатни Юсупбойнинг қўлига тутди. Тилхат «Эрк» демократик партиясининг расмий бланкасига битилган эди. «Эрк» демократик партиясининг манфаати халқ ва миллат манфаатлари билан чамбарчас эканлигидан иборат нақоратдан сўнг «тилхат» давом этади:

«...Кўҳна Хоразм тарихий маданиятини белгиловчи ашё ҳисобланмиш қуйида таърифи бериладиган табаррук тангани Ўразали Жума ўғлидан таъмирлаш ва экспертиза қилиш учун вақтинча, қайтариб бериш шарти билан олдим. Танганинг таърифи қуйидагича: оғирлиги 17 (ўн етти) грамм, олтин. Қазишмалар олиб борган олимлар манбаларининг гувоҳлик беришларича, танга милоддан олдинги III—I асрларга тааллуқлидир. Хоразм пойтахти Тупроққалъада зарб этилган. Танганинг юзида Арсамухнинг расми туширилган. Орқасида Хоразм давлатининг герби тасвирланган. Танга таъмирланмаган.

«Эрк» демократик партияси иш бошқарувчиси:

Имзо: Сафар Бекжон

09.XI.91».

Шундай бебаҳо ёдгорликни биргина «тилхат» билан юлиб кетиш мумкин бўлса, оламда ёдгорлик қоладими, дерсиз. Шубҳангиз ўринли: на «Эрмитаж» қоларди, на Ўзбекистон музейи! Лекин «тилхат» битилган муддатга бир эътибор қилинг-а: 1990 йил — «Эрк» демократик партияси расман тан олинган ва биринчи қурултойига тўпланган вақтлар эди. 1991 йил эса «Эрк» партияси президентлик сайловида асосий даъвогарлардан бири эди-да! Хуллас, партия сафида кўпгина тиниқ фикрли, ҳалол кишилар бўлишига қарамай, партия ядросидаги айрим ғаламислар авом фуқарони оммавий лақиллатишга енг шимариб киришиб кетган кўринадилар. «Эрк» демократик партиясининг Низоми ва Дастуридаги баландпарвоз шиорлар, айниқса президентлик сайловолди Дастури кўнгли бўш, эътиқоди суст ва содда одамларнинг бошини айлантириб қўйганлигини ҳам назардан қочириб бўладими?! Чунончи, «Эрк» дастуридаги ушбу сўзларнинг мағзини чақиб кўрайлик: **«Эрк» демократик партияси ўз фаолиятини конституцион йўл билан амалга оширади. Мустақил ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш «Эрк» демократик партиясининг энг асосий мақсадидир. Бу мақсадни амалга оширишда «Эрк» фирқаси сайловларда халқ иродасига таяниб, парламент ва ҳокимиятда ўз ўрнини демократик тарзда мустаҳкамлашга интилади ва демократик жамият ақидаларини ҳимоя қилади. «Эрк» демократик партияси — Қонун олдида барча фуқароларнинг тенглиги, виждон ва мазҳаб, митинг ва намойиш, сўз ва матбуот, уюшма ва жамиятларга уюшиш эркинлиги тарафдоридир... «Эрк» демократик партияси халқнинг маънавий ва ахлоқий тузукларини тиклаш, миллий укладлар, анъаналарининг ўзига хослигини қўллаш ,Ўзбекистонда яшовчи халқлар миллий маданиятининг ривож топиши учун ҳаракат қилади...»**

Хўш, бундай шиорларни ўз фаолияти учун асосий дастур қилиб белгилаган «Эрк» партиясининг кимсан марказдаги иш бошқарувчиси сўраб турса, туман ўлкашунослик музейидаги бир танганинг бетига келиб бўладими? Боз бунинг устига, «Партия манфаати — халқ манфаати билан чамбарчас боғлиқ» эканлигига онт ичиб, «тез муддатда таъмирлаш ва экспертиза қилиб эгасига қайтариш»га ваъда қилинган расмий қоғозни имзолаб, тутқазиб турса, музей директори нима қилиши керак эди? У қандай йўл тутиши керак? Музей манфаати ҳам халқ манфаатини кўзлаб турган бўлса, нима қилиши керак? Кимсан Президентликка бир қадам қолган «Эрк» партиясининг катта бир арбоби ўз оёғи билан келиб, минг хил ваъда бериб авраб турган бўлса? Хўш, ана шундай вазиятда танганинг асл эгаси Юсупбой қандай йўл тутган бўларди? Илоннинг ёғини ялаган бу одамлар олдида нафақат қишлоқи Юсупбой, бобосининг бобоси ҳам лаққа тушган бўларди! Бу тоифа одамларнинг макр тўрига тушмабсизми, кўзингиз очилмайди!

Нодир танга таъмирланиб, ўз жойига қайтган бўлса керак, деб ўйларсиз. Аксинча, ойлар ўтди, йиллар ўтди, тангадан дарак бўлмади. Юсупбой тангасини қумсаб Элликқалъага — музейга қатнайверди, музей директори Ўразали Жумаев Тошкентга — «Эрк» раҳбарларига бўзчининг мокисидек бориб келаверди ва ҳар сафар «бўлажак Президент ва ҳоким»лардан бир қоп ваъдани олиб қайтарди. Ўразали ҳар сафар Тошкентдан қайтганда Юсупбойнинг уйига бориб, ўзи ҳам қишлоқча соддалик билан уни қучоқлаб, энтикиб табрикларди:

— Юсупбой, сиз билан бизга омад кулиб боққани шу бўлса керак! Бобонгни тангаси билан бобонгдан ҳам улуғ кишилар шуғулланишяпти!

Хуллас, Тошкентда Ўразалини ўпиб қучоқлаб, Элликқалъага жўнатишар, у эса қишлоққа бориб Юсупбойни бағрига босиб табрикларди. Лекин ўртада танга йўқ, ноёб ёдгорликни қайта бир бор кўриш уларга насиб этмас, бу йўлдаги барча уринишлар сувга тушган тошдек самарасиз чўкиб борарди. Орадан қарийб икки йилча вақт ўтиб кетди. Юсупбой бу орада неча бор Элликқалъага қатнади-ю, неча бор Ўразали билан сан-манга борди, саноғидан ҳам адашиб кетди. Юз-хотир билан иш битмаслигига кўзи етган Юсупбой бобосидан қолган ноёб ёдгорликни қайтариб олиш учун қонун маҳкамаси — халқ судига мурожаат қилишга мажбур бўлди.

«Элликқалъа тумани халқ судига.

Даъвогар: — Элликқалъа тумани, «Москва» совхозида яшовчи фуқаро — Отажонов Юсупбой.

Жавобгар: — Жумаев Ўразали, Бўстон шаҳридаги музей.

Даъво аризаси:

(Мулкни қайтариб олиш ҳақида)

Ушбу аризам орқали Сизга маълум қиламанки, 1990 йилнинг июнь ойида Бўстон шаҳрида жойлашган Элликқалъа ўлкашунослик музейи директори лавозимида ишловчи Жумаев Ўразалига ота-бобомдан мерос сифатида ўтиб келаётган ноёб олтин тангани топширдим. Мен бу тангани топширган вақтимда рассом Юра Буслов ва унинг ёнида ишловчи Тоҳир ва Юсуф исмли йигитлар бор эди. Бундан ташқари ушбу тангани Нукус ўлкашунослик музейининг тарихчи-нумизмат (тангашунос) илмий ходими Валентин Бочин кўздан кечирган бўлиб, мутахассиснинг фикрича, бу танга ниҳоятда ноёб бўлиб, ўлкамиз тарихи учун беқиёс аҳамиятга эга эди... Жумаев Ўразали бу ноёб тангани мендан берухсат ва бу ёдгорликка ҳеч қандай алоқаси бўлмаган «Эрк» партиясига топшириб юборибди... Мен ушбу танга ўз жойига қайтарилиши лозим деб ҳисоблайман ва менинг қонуний талабимни қаноатлантиришингизни сўрайман. Даъво аризамга қуйидаги ҳужжатларни илова қиламан:

1. Гувоҳ Ю. Бусловнинг тушунтириш хулосаси
2. Мутахассис В. Бочиннинг хулосаси
3. «Эрк» партияси тилхати

Даъвогар: имзо Отажонов Юсупбой. 1993 йил 9 июль».

Элликқалъа ўлкашунослик музейи директори Ўразали Жумаев туман судига берган «Тушунтириш хати»да шундай ёзади: **«...1991 йилда «Эрк» партияси раҳбарлари Муҳаммад Солиҳ ва Сафар Бекжонлар билан яқиндан танишиб қолдим. Улар тез-тез Элликқалъа туманига келиб туришар, партия аҳволидан хабар олиб кетишарди. Шундай кунларнинг бирида Сафар Бекжон мен ишлаётган корхонага келди ва музейни томоша қилди. Музейдаги бир тангага эътибор қилиб, шу тангани олиб кетишга ижозат сўради. Сабаби бу танга Хоразм давлатида биринчи зарб этилган танга экан. Муҳаммад Солиҳ президент бўлиб кетса, унинг миллатимиз бойлиги сифатида экспертиза қилиш ва таъмирлаб келишини билдирди. Мен унга ишондим ва тилхат олиб, унга яхши ниятлар билан тангани вақтинча бердим. Орадан икки йилча вақт ўтди. Ҳар йили неча бор Тошкентга қатнадим, лекин тангани олиб қайтиш имкони бўлмади. Ҳар гал сўраганимда, Сафар Бекжон тангани «Эрк» партияси раиси Муҳаммад Солиҳга топширганини айтади, мен эса қўлим билан берганим учун Сафарни қистайман. У эса «шеф»да дейди. Охири шу йил бошларида бир оғайним билан танганинг изидан Тошкентга учдик. Бориб Сафарни топдик. У яна танга Муҳаммад Солиҳда эканлигини айтди. Биз биргалашиб Муҳаммад Солиҳнинг уйига бордик. Муҳаммад Солиҳ танга ҳозир ёнида эмаслигини, ишончли бир кишининг қўлида эканлигини айтиб, уни тез кунда менга қайтаришни ваъда қилиб, бизни кузатди. Ҳар уч кунда Тошкентга қўнғироқ қиламан, салом йўллайман, лекин ваъданинг вафоси бўлмаётир. Сўнгги марта шу йил апрель ойида Муҳаммад Солиҳнинг уйига қўнғироқ қилиб, тангани қайтаришини сўрадим ва акс ҳолда судга мурожаат қилишимни айтдим. У мени ҳақорат қилиб, трубкани қўйиб қўйди. Шундай катта кишилар неча йилдан буён давлатга тегишли тангани қайтармай, ваъдаларини бажармай, мени оворан- сарсон қилиб юрибдилар. Иложи борича тангани қайтаришда ёрдам қилишингизни сўрайман... Имзо: Жумаев Ўразали. 1993 йил 14 июль».**

Ушбу ноёб ёдгорлик юзасидан ўз хулосаларини тақдим этган тангашунос-тарихчи Валентин Бочин топилдиқни таърифлаб, унинг нусхаси на С. Толстовнинг «Қадимий Хоразм» асарида, на Б. Вайнбергнинг «Қадимий Хоразм тангалари» китобида учрамаслигини шу жиҳатдан у жаҳон маданиятида янги саҳифа очиши мумкинлигини ёзади. Лекин, «Эрк» арбобларининг бундай янгилик билан иши йўқ. Улар олтин тангани ҳар қандай «тарих»га алмаштирмайдиганга ўхшайдилар. Начора, бундай тоифалар учун қадриятларнинг қадри бир пул кўринади.

Судга мурожаат қилгандан буён ҳам бир неча [illegible] ўтди. Ким ўғри-ю ким тўғри? Биз бундай хулоса учун шошилмаймиз. Қолаверса, бундай хулоса — суд ҳукмига ҳавола. Ҳақиқат эртами-кеч ўз ўрнига қўйилишига ишонамиз. Лекин, дунёнинг ишларини кўринг: бир колхозчи бобосидан мерос бўлган ноёб тангани халқ бойлигига айлансин деб музейга ўз қўли ва ўз ихтиёри билан келтириб топширибди. У балки «Эрк» партияси Дастурида битилган қадриятлар ҳақидаги баландпарвоз шиорлар ва чақириқларни ўқимагандир ҳам. Юсупбой Отажоновни кимдир «қишлоқи»деса дер, лекин у қалби билан Ватан кишиси, чин маънодаги мамлакат фуқароси эмасми?! Унвони эса — оддий одам! Олтин танга ишқибозлари буни ҳис қилишармикан?

«Эрк»нинг айрим арбоблари эндиликда ўғрилик эмас, «тўғрилик» ҳақида халқаро майдонда от сурмоқдалар. Афсуски, ҳозирча уларга Элликқалъадан туриб қўнғироқ қилиб бўлмайди. Эртами-кечми халқнинг адолатли ҳукми дунёнинг ҳамма жойига бирдай етиб боради деб ўйлаймиз. Лекин бизни бошқа бир ўй ташвишлантиради: Ўзбекистон халқ депутати Муҳаммад Солиҳ ўз сайловчилари ишончини қандай арзон гаровга сотиб, уларга қўл силтаб кетганлигини телевизор экранида кўпчилик кўрган эди. Бироқ бугун «Эрк» партиясининг раиси Ватанни бир тангага сотиб кетганлигини кўпчилик билармикан?

Элдор ҲАҚГЎЙ.

ЮКСАЛИШ ЙЎЛИ

Мустақиллигимизнинг учинчи йили ўйлари



Ҳар бир даврнинг ўз оламшумул воқеалари, ўз қаҳрамонлари, ўз донишмандлари, у ёки бу тарздаги намояндалари бўлади. Уни тарихий жараён, ижтимоий-сиёсий муҳит табиий ҳолда вужудга келтиради ва шакллантиради.

Албатта, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни маълум даражада зўравонлик билан сунъийлаштириш, унга қарши туриш мумкин, бироқ асл моҳиятини йўқотиб бўлмайди. Вақт ўтиб табиийлик ўзини намоён этади. Унинг кучи, беқиёс қудрати, ҳаётий қуввати инсон онги ва тафаккуридан устунлиги шунда.

Дарҳақиқат, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг табиий ҳаракати ҳамма вақт инсон ҳаёти, турмуш тарзи ва дунёқарашини ўзи хоҳлаган ўзанига буриб юборади. Кутилмаган ҳодисаларга рўкач қилади. Янгидан-янги тарихий шароитларда яшашга кўниктиради. Қалби ва онгига янгича ижтимоий ҳаёт силсилаларини жойлаштиради.

Кишилик тарихи асрлар мобайнида бундай ўзгаришларга кўп гувоҳ бўлган. Турли даврларда турли жаҳонгирлар, фотиҳлар, саркардалар, сиёсий арбоблар, давлатбошлар ва тожу тахт эгалари дунёга келишганки, улар ўз мамлакатлари ҳудудида ўзларига хос янгича сиёсатни вужудга келтириб, янгича тартиб ўрнатганлар ва шу билан бирга жаҳон тараққиётига катта таъсир кўрсатганлар. Давлатчилик, бошқарув ва сиёсат борасида ўз йўллари, бошқаларга ўхшамаган қарашлари, янгича шароитларда янгича муносабатлари билан ўзларига хос мактаб яратишган. Дунё давлатчилиги ва бошқарув анъаналарини бойитиб, унинг янги-янги қирраларини кашф этганлар.

Сиёсий ҳаёт табиатан ниҳоят мураккаб воқелик. Айни пайтда у шаклан товланиб, турланиб турса-да, мазмунан чуқур изчилликни, қатъиятлилик ва собитқадамликни ёқтиради. Жиззакилик, ортиқча «нуқтадонлик», енгил-елпи фикрлаш унинг табиатига зид. Айниқса, оғир—вазминлик, ақлга суяниб иш тутиш, эҳтиросдан холи бўлган совуққонлик —фазилатдир.

Сиёсий ҳаёт салтанат соҳибининг ички дунёси, маънавий ва ахлоқий бойлигидан тортиб, билими ва дунёқарашигача жаҳон сиёсатининг боришини нечоғлик чуқур ва ўта зийраклик билан кузатиб, унинг моҳиятини тўғри тушунишдан тортиб ўз мамлакати эҳтиёжи ва фуқаролари талабларидан келиб чиқиб, кучли бошқарув аппаратини вужудга келтиришгача бўлган кенг миқёсли, ўта мураккаб жараёндир. Сиёсатда зукколик, донишмандлик, воқеа ва ҳодисаларга ҳар томонлама чуқур ёндошиш, уларнинг моҳиятини ўз вақтида англаш ва баҳолаш иқтидори ана шу салтанат соҳибининг ноёб фазилати, у олиб бораётган салтанатнинг мазмун-моҳияти ҳисобланади. Мамлакат ва халқ манфаати деган талабчан тарози ҳам борки, у вақт ўтган сари ўта шафқатсизлик ва айни пайтда ўта адолат билан салтанат соҳибининг фаолиятига баҳо беради.

I.

...ЙИГИРМАНЧИ асрнинг охири ўзбеклар ҳаётида туб бурилиш ясади. Аср бошида Марказий Осиё халқлари турли миллат ва мамлакатларга қанчалик сунъий равишда бўлиб юборилиб, мустамлакага айлантирилган бўлса, аср охирида шунчалик табиий равишда бу мамлакатлар ўз мустақиллигига эришди ва ўзаро яқинлашиш йўлини тутмоқда. Миллатлар қанчалик сунъий равишда СССР деб аталмиш буюк империяга бўйсундирилган бўлса, шунчалик табиий ҳолда ўзлигини англаб бориб, ўз қадр-қимматини тиклаш имкониятига эга бўлди. Дунёга ортиқча шов-шувлар, дўқ-пўписа ва асоссиз даъ-даъолар билан ўз қудратини кўрсатиб келган мамлакат ич-ичидан зил кетиб, чок-чокидан сўкилиб кетди, унинг ҳудудига кирган қардош республикалар мустақил давлат мақомини олди. Ана шундай тарихий шароит, ижтимоий-сиёсий пўртана ва мисли сиз бўҳронлар янгидан-янги сиёсатчиларни, улкан давлат ва жамоат арбобларини вужудга келтирди. Ўта зиддиятли, мураккаб, инқилобий ўзгартирувчилик моҳиятига эга бўлган бўҳронлар Россияда Борис Ельцинни, Украинада Леонид Кравчук, Белоруссда Станислав ; Шушкевич, Қозоғистонда Нурсултон Назарбоев қаторида бизда Ислом Каримовни кашф этди.

Дарҳақиқат, **Ислом Каримов — тарихий ва ижтимоий ҳодиса. У мутлақо янги даврнинг мутлақо янги услубидаги тафаккурн ўткир шахси. У янги тарихий шароитларда вужудга келган, бутунлай янгича ижтимоий-сиёсий жараёнлар таъсирида шаклланган, ана шу жараёнларни ўз тенгдошлари ва сафдошларидан мутлақо фарқли ҳолда фавқулодда зукколик, зийраклик ва донишмандлик билан идрок эта билган, уларни журъат ва жасурлик билан ҳал эта оладиган сиёсатчи.** У ҳар қандай ислоҳотларни бутун моҳияти билан англай оладиган, вужудга келаётган воқеа ва ҳодисаларни янги йўналишга сола биладиган, халқ фикри ва дунёқарашини кутилмаганда янги ўзанга буриб юбора оладиган иқтидорли давлат раҳбари, кенг имкониятли сиёсатчи. Ислом Каримов сиёсати — янгиланиш ва ўзгартирувчилик сиёсати. Каримов сиёсати — жаҳон илғор мамлакатлари сиёсати билан ҳамоҳанг келадиган, энг илғор тажрибаларга суянган ва бу тажрибаларни янгича шароитларда ўз қарашлари билан бойитиб борадиган сиёсат Каримов сиёсати—қатиққўллик билан меҳрибонлик, қатъиятлилик билан меҳр-мурувват, талабчанлик билан қатъий интизом уйғунлашиб кетган, халқ дунёқараши ва табиатидан келиб чиққан жонли ва ҳаётий сиёсат. Каримов сиёсати—мутлақо янгича қарашлар ва янгича тафаккур сиёсати. Акс ҳолда мамлакатимизда ҳозирги жуда мураккаб ва ҳар томонлама зиддиятли бир пайтда сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий барқарорлик вужудга келмаган бўлур эди. Аниқ ишлаб чиқариш мароми, тўғри мақсадни кўзлаган, барча ташвиш ва таҳликалардан устун келган, умид ва ишончга таянган турмуш тарзи йўлга қўйилмаган бўлур эди. Илгари СССР таркибида бўлган ҳозирги мустақил давлатларнинг жуда озчилигида халқ турмуши ва ишлаб чиқариш жараёнининг бир маромда бораётгани, аксинча кўпчилигида эса нотинчлик, иқтисодий тангликнинг кучайиб, ишлаб чиқаришнинг издан чиқиб кетаётгани ва ҳатто фуқаролар урушининг фожиона юз бергани, ҳеч бўлмаганда давлат бошқаруви, қонун чиқарувчи органлар ва ижроия идоралари ўртасидаги келишмовчиликларнинг вужудга келганлиги бунга яққол мисол бўла олади. Ён-атрофимизда юз бераётган турли воқеа-ҳодисалар ҳамда ҳамдўстлик мамлакатлари раҳбарларининг масалаларга турлича ёндошувларини кузатишдаёқ Ислом Каримов сиёсатининг нечоғлик халқчил, ҳар томонлама асосли ва мантиқийлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз. Ҳозирги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва Президент Каримовнинг сиёсий йўли, ўзига хос иш услуби хусусида фикр юритар эканмиз, бевосита унинг шахсияти, сиёсий майдонга чиқиши жараёнига алоҳида тўхталиш лозим.

II.

ПРЕЗИДЕНТ Ислом Каримов иқтидорли инженер ва иқтисодчи олим сифатида кўзга ташланган мутахассис. Узоқ йиллар Давлат режа қўмитасида, Молия вазирлигида раҳбарлик лавозимларида, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва Қашқадарё вилояти партия қўмитасининг биринчи котиби лавозимларида ишлаб катта ташкилотчилик тажрибасига, сиёсат ва амалиётда улкан иқтидорга эга бўлган раҳбар сифатида шаклланди. У катта билим ва ҳаётий тажрибага асосланган, назария ва амалиётни уйғунлаштира олган олим ва раҳбар тимсолида Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли тамойилларини ишлаб чиқди. Давлат қурилишининг улкан назариячиси сифатида ҳар томонлама илмий асосланган хулосаларни ўртага ташлади ва Ўзбекистоннинг келажаги буюк давлат эканлигини кўрсатиб берди.

Ҳали партия ҳукмронлик қилаётган бир пайтда кутилмаганда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиблигига Ислом Каримов сайланишининг ўзи, айниқса, раҳбариятдаги кўпгина эскича фикрли кишиларни ташвишга солиб қўйди. Халқ эса унинг шахсияти билан қизиқа бошлади. Мухолиф гуруҳлар ва ҳаракатлар раҳбарлари, айрим пайтларда эса якка шахслар очиқдан-очиқ турли жазавалару васвасалар билан унинг ишига тўғаноқ бўлиш, сиёсатига ишончсизлик билдириш билан шуғулландилар.

Вақт — олий ҳакам. Халқ — адолатли кузатувчи. У аввал сабр билан ҳар бир нарсани назаридан ўтказади. Мулоҳаза юритади. Сўнг холис фикрини айтади. Тўғри, халқ орасида баъзан турли норозилик ҳаракатларига тушуниб-тушунмай эргашадиган, уни қўллаб-қувватлайдиган, ҳар хил иғвогарликларга ишонадиган кишилар ҳам топилади. Ахир, бу халқда! У бутун нуқсонию фазилати билан, барча камчиликларию ютуқлари билан яхлитлигича халқ! Бошқача бўлиши мумкин эмас. **Сиёсатнинг кучи, сиёсатчининг истеъдоди, сиёсий ҳаётнинг соғлом ва таъсирчанлиги ана шу ўта мураккаб, зиддиятли, қарама-қарши фикрлар ва қарашларни бирлаштирган яхлитликни — халқ оммасини бир йўналишга солиб, бир ўзанга буриб юборишда. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, Президент Ислом Каримов, таъбир жоиз бўлса, миллат отаси, падари бузрукворн ва улуғ раҳнамоси сифатида майдонга чиқди.** Ота учун фарзандининг яхши-ёмони бўлмайди. Фарзанд ота қалбининг, ота жигарининг бир парчаси. Фарзанд яхши бўлса, унинг боши силанади. Ёмон бўлса «таъзирини бериб» тўғри йўлга солинади, кези келганда жазоланади. Президентлик лавозими ана шундай буюк, улуғ ва муқаддас лавозим. Унинг замирида донишмандлик, бағри кенглик, меҳр-мурувват ва қатъий талабчанлик ётади.

Қадимги ҳинд донишмандларининг айтишича, салтанатни ҳимоя қилиш, уни асраб-авайлаш ҳар бир фуқаронинг вазифаси. Чунки салтанат соҳиби ва унинг аъёнлари ҳам шу мамлакат фуқароларидир. Мабодо улар фуқароликларини унутсалар, қаттиқ янглишадилар («Маҳобҳорат»). Шарқда салтанат ва аҳоли, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатлар асрлар давомида ана шундай тарзда шаклланган. Ислом Каримов эса бу улуғ анъаналарнинг вориси сифатида мамлакат салтанатининг бутун масъулиятини, оғирликларию салмоғини елкасига ортиб, миллат бошини силаб, мамлакат қадр-қимматини оширмоқда.

Ҳар қандай шароитда ҳам эҳтиросдан кўра ақл-идрок, жиззакиликдан кўра андиша, оғир-вазминлик ютади. Мамлакатимиз фуқароларининг асосий қисми ана шу йўлни тутган. Ўз аждодларига хос вазминлик билан иш юритадиган, ҳар бир воқеа ва ҳодисага ақл кўзи билан қараб, чуқур идрок қилиб, инсоф ва диёнат юзасидан баҳо берадиган халқ. Унинг буюклиги шунда! Унинг улуғлиги шунда! Ҳозирги сиёсий ва иқтисодий барқарор турмушимизнинг асоси ана шу икки улуғлик — давлат сиёсати ва халқ қарашларининг муштараклигида.

...Ислом Каримов республика раҳбарлигига ижтимоий-сиёсий вазият ниҳоятда мураккаблашган, турли зиддиятлар ва қарама-қаршиликлар кучайган, мамлакатда ишлаб чиқариш мароми издан чиққан, сансалорлик, хўжакўрсинчилик авж олган, аҳоли асосий қисмининг кайфияти бузилиб, руҳий-маънавий муҳит чигаллашган бир пайтда сайланди. Унга яқин ўтмишдошлардан асаби таранглашган, руҳияти синиқ, паришон ва пароканда мамлакат мерос бўлиб колди.

Таъбир жоиз бўлса айтиш мумкинки, республиканинг яқин ўтмиши оқсаётган аравага ўхшар эди. Уни тўхтатиш-ку мумкин эмас, бироқ отга қамчи уриб жадал юришни бошлашнинг ҳам иложи йўқ эди. Ҳар икки ҳолатда ҳам арава титилиб кетиб, бутун хонумонимиз куйиб қолиши ҳеч гап эмас эди. Бундай пайтда раҳбардан ўта ҳушёрлик ва тадбиркорлик, зийраклик ва зукколик, мулоҳазакорлик ва эпчиллик талаб этилади. Каримов худди ана шу фазилати билан «арава»ни ботқоқликдан олиб чиқмоқда. Йўл-йўлакай уни таъмирлаб, тарихий тажриба ва энг замонавий усуллар билан янгилаб бормоқда, қудратли ва мукаммал машинага айлантирмоқда.

Масаланинг яна бир оғир томони бор. Худди ўша пайтда янгилик бош кўтарган, эскилик эса ўз ўрнини бўшатишни истамаётган, бутун чоралар билан чирик илдизига маҳкам ёпишиб олган эди. Жумладан, республикага номини берган миллат тилини давлат тили сифатида эътироф этиш зарур бўлиб қолган бир пайтда олдинги раҳбарият тиш-тирноғи билан қарши турди. Бу аҳолининг кескин норозилигига сабаб бўлди. Натижада то республика раҳбари ўзгармагунча бу масала жиддийлигича қолаверди. Каримов ана шу лавозимга сайлангандан кўп ўтмаёқ давлат тили тўғрисидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Гарчи бу қонун бугунги кун эҳтиёжларидан келиб чиқиб маълум ўзгартишлар ва таҳрирга муҳтож бўлса-да, ўша пайтдаги маънавий-сиёсий муҳит талабларидан қараганда улкан сиёсий воқеа эди. Бу раҳбардан катта жўръат, бошқача қилиб айтганда, ўзи учун эмас, мамлакат ва миллат манфаати учун «бошини кундага қўйиш»дек қаҳрамонликни талаб қилар эди.

III.

Маълумки, Ш. Рашидов вафотидан сўнг Ўзбекистонда пароканлалик вужудга келди. Сабаби, ўша пайтдаги биринчи раҳбарнинг ўта бўшанглиги, мустақил фикрга эга эмаслиги ва мунофиқлиги туфайли бутун мамлакат ва миллат бадном этилди. Ўзбек порахўр, олибсотар сифатида шармандаю шармисор қилинди. Бу шунчаки тасодифий ҳодиса эмас, балки ўша пайтдаги раҳбариятнинг марказ билан биргаликдаги сиёсий найранги, пишиқ-пухта ишлаб чиқилган маккорона йўли, амалга оширилган қора ниятлари эди. Натижада минг-минглаб иқтидорли, бошқарувчилик маҳоратини пухта эгаллаган, республикани ҳар қандай шароитда ҳам турғунлик ҳолатидан чиқара оладиган истеъдодли раҳбар кадрлар атайлаб йўқ қилинди. Бу халқ руҳиятига қаттиқ таъсир қилди, қалбини жароҳатлади. Бунинг устига баъзи вилоятлар, туманлар, вазирликлар бирлаштирилиб аҳолини чалғитиш, атайлаб муаммоларни чуқурлаштириш, масалаларни ҳал этиш ўрнига онгли равишда чигаллаштириб юбориш ҳоллари юз берди. Бу ва шунга ўхшаш яна бир қанча омиллар бор. Жумладан, «Марказ»да тайёрланган аниқ режа ва сиёсий кўрсатмалар ўз миллатимиз вакиллари орасидан чиққан мунофиқларнинг саъй-ҳаракати билан амалга оширилди. Ўрта Осиё халқлари ўртасига нифоқ солиш, уларни бир-бирига гиж-гижлашдан манфаатдор бўлган Москва ҳар қандай иғвогарликларга зўр беришга интилди. Тожикистон ва Қирғизистондаги ўзбеклар, Ўзбекистонда яшаётган тожиклар турмушидаги айрим камчиликлар бўрттириб кўрсатилди. Уларнинг олдини олиш ўрнига миллатларни гиж-гижлаш, адоватни кучайтиришга ҳаракат қилинди. Ана шундай пайтда республикага раҳбар бўлиб турган Р. Нишоновнинг «Ибн Синони тожикларга бердик. Энди бу ҳар икки миллат ўртасидаги муаммолар ҳал бўлади» қабилидаги гаплари унинг фахм-фаросати нақадар ночор, сиёсий даражаси ғариб ва нотавон эканлигини кўрсатди.

Ислом Каримов ана шундай зиддиятлар авж олган бир пайтда майдонга чиқди! У ҳали мавжуд жараёнларни ўрганолмай туриб сиёсий партиялар, «Бирлик» халқ ҳаракати вакиллари «Каримов позициясини эълон қилмаяпти. Унинг аниқ дастури йўқ», — деган таъна тошларини ҳам отдилар. Турли митинглару йиғилишларда очиқдан-очиқ ҳужумга ўтдилар. Ана шундай пайтда Каримов рақибларга ҳурмат билан қараш, уларнинг фикрини диққат билан эшитиш, зарур бўлса улардан ижобий хулосалар чиқариш, халқ ва мамлакат манфаати учун ҳар қандай иғвогарликлар, тазйиқлару зўравонликлар, қолаверса мақтовлару хушомадгўйликларга бир хилда муносабатда бўлиш, фақат ақл-идрокка таянниб, иш тутиш намунасини кўрсатди.

Очиғини айтиш керак, «Бирлик» халқ ҳаракати дастлаб демократия учун курашди. Бироқ кўп ўтмаёқ унинг позицияси, тутган йўли нотўғри эканлигини ҳаёт кўрсатди. Сабаби «бирлик»чиларнинг ўзининг ҳаётга, тарихий тажрибага таянган аниқ концепциялари йўқ эди. Воқеа-ҳодисаларни юзаки таҳлил қилдилар ва юзаки тушундилар. Ижтимоий-сиёсий жараёнлар боришини тўғри англай олмадилар. Фикрлар майда, талаблар жўн, интилишлар эса ибтидоий, юксак сиёсий онглилик ва маданиятдан узоқ эди. Масалан, улар СССР таркибида турган ҳолда, унинг бутун зўравонлиги ва мустамлакачилик сиёсатидан қутулмаган Ўзбекистонда демократияни йўлга қўйиш мумкин эмаслигини, демократия хусусида гапириш асоссиз ва мантиқсиз эканлигини тушунишмади. Қул қуллик-дан озод бўлмагунча эркин бўлолмаслиги, озод бўлгач қул эмаслиги оддий ҳаётий ҳақиқат. Мамлакат мустамлакачиликдан тўла озод бўлмагунча, мустақил давлат сифатида ўзини намоён этмагунча ҳар қандай эркинлик, ҳуррият ва демократия хусусидаги фикрлар кўчанинг гапи бўлиб қолаверади. Ана шундай пайтда Каримовнинг ўзига хос сиёсий йўли, масалага ёндошиш усули, ижтимоий-сиёсий жараёнлар боришини ўта нозик ва чуқур англай олиш салоҳияти кўзга ташланди. У айрим пайтларда ўта ҳужумкор, айрим пайтларда эса, зарурат туғилганда, шароит тақозоси билан чекинишга ёки мудофаа йўлига ўтишда фавқулодда тадбиркорлик кўрсатади. Етти ўлчаб бир кесади. Жумладан, ҳуррият ва демократияга муносабатда ҳам унинг ўзига хос тактикаси ва стратегияси бор.

Узбекистон Компартияси раҳбарлигида тургани ҳолда Ислом Каримов М. Горбачев мамлакатда президентлик бошқарувини ташкил этиб, бу лавозимни эгаллаб олганидан сўнг кўп ўтмай худди ана шундай бошқарув усулини Ўзбекистонда жорий этди. Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Президенти, қилиб парламентда сайланиши нафақат М. Горбачевнинг ўзини, балки барча қардош республикалар раҳбарларини ҳам, қолаверса жаҳон сиёсатдонларини ҳам анча-мунча талвасага солиб қўйди. Ахир, бир мамлакатда икки Президент пайдо бўлиб қолган эди-да!

Аслини олганда Ислом Каримов вазминлик ва салоҳият билан СССР ва унинг ҳукумати жазавасн тутган, барча миллий республикаларга кундан-кунга тазйиқ ва зўравонликни ошираётган, кичик халқларга зуғум ўтказаётган бир пайтда Президентлик лавозимини ташкил этиш билан Ўзбекистон мустақиллигига дастлабки пойдеворни қўйган эди! Чунки, Президентлик бошқарувининг энг асосий принципи ўзгага бош эгмаслик, ўз тақдирини ўзи белгилаш, барча давлатлар билан тенг ҳуқуққа эга бўлиш принципидир. Ана шундай оғир ва қалтис ишни амалга ошириш бир жиҳатдан Каримовнинг фавқулодда жасурлиги ва журъатлилигидан далолат берса, иккинчи томондан ниҳоятда нозик ва ўткир сиёсатчи эканлигини ҳам кўрсатди. Ахир Марказ — Сиёсий бюро, СССР Президентлик Кенгаши, унга бўйсунувчи қатор маъмурий ва жазо органлари ҳар қандай йўл билан бундай «бебош» раҳбарга тазйиқ ўтказишн ҳеч гап эмас эдида. Бироқ Ислом Каримов СССРнинг ичидан зил кетаётганини, бу мамлакат—«бузуқ арава» узоққа боролмаслигини, барча сессиялару пленумлар, партия ва депутатлар қурултойлари энди ожиз ва нотавон эканлигини мамлакат миқёсидаги раҳбарлардан олдинроқ англади, олдинроқ тушунди ва бу воқеаларга ўзининг муносабатини кескин равишда билдирди. Аслини олганда ана шу позициянинг ўзи «Каримовнийг аниқ дастури йўқ. Позициясини ошкор айтмаяпти» деган таъналарга жавоб эди.

Масаланинг иккинчи асосли ва мантиқий томони ҳам бор. Мамлакат то мустақил бўлмагунча демократия ҳеч қачон бўлмаслигини, эркин, ҳуқуқий, инсонпарвар жамият қуриш учун эса олдин мамлакат озод бўлиши зарурлигини сиёсий, назарий ва амалий жиҳатдан кўрсатиб берди. Ана шунинг ўзи Каримовнинг позициясн! Ана шунинг ўзи Каримовнинг сиёсий йўли! Ана шунинг ўзи Каримов сиёсий дастури!

Вақт ўтган сари Каримов услубининг янгидан-янги жиҳатлари пайдо бўла бошлади. Унинг сиёсий йўли, воқеа ва ҳодисаларга фақат ўзигагина хос бўлган муносабатлари яна ҳам аниқроқ кўринди. **Каримов иш услуби ва сиёсий йўлининг ўз тенгдошлари ва сафдошларидан фарқи шундаки, у миллий заминда шаклланган бўлиб, ана шу заминда асрлар мобайнида пишиб етилган Шарқ миллий давлатчилик сиёсати анъаналарига ҳамоҳангдир.**

IV.

Маълумки, Ўрта Осиё халқлари ўзларининг минг йилликлар мобайнида шаклланган оламшумул сиёсатлари, маънавий баркамол давлатчилик анъаналари билан жаҳон давлатчилиги ва сиёсати тараққиётига катта таъсир кўрсатган. Улуғ боболаримиз Афросиёб, Қорахонийлар, Маҳмуд Ғазнавий ва Хоразмшоҳнинг адолат ва инсонпарварликка таянган салтанатлари, соҳибқирон Амир Темурнинг туркий улусни бирлаштириб, марказлашган давлат тузиши ва миллат ифтихори учун курашиши, буюк темурийлар салтанатига асос солиши, Мирзо Улуғбекнинг фан ва маданият равнақи, Ҳусайн Бойқаронинг адабиёт ва санъат, илм ва ҳунар аҳлига раҳнамолиги, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Хумоюн, Акбар Шоҳ, Шоҳ Жаҳонларнинг турли дин ва мазҳабдаги халқларни бирлаштириб, энг инсонпарвар давлатни вужудга келтириш йўлидаги тажрибалари ва ютуқлари жаҳон сиёсатдонлари томонидан юқори баҳоланган.

Буюк аждодларимиз ҳукмронлик қилган мамлакатимизда қадим-қадимдан буён ҳур, эркин фикр қадрланганини ўзбек фани ва маданияти, адабиёти ва санъатининг нақадар равнақ топганида кўриш мумкин. Фикр эркин бўлмаганида Маҳаммад ал Хоразмий, Муҳаммад ал Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Лутфий, Саккокий, Низомиддин Шомий, Шарофиддин Али Яздий, Туркистоннинг буюк мутасаввуфлари Хожа Аҳмад Яссавий, Имом Исмоил Бухорий, Ҳаким ат Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Убайдулло Аҳрор каби даҳолар дунёга келмаган бўлур эди.

Жаҳон сиёсатдонлари эса мамлакатимизда азалдан эркинлик мавжудлиги, бироқ қонунга ҳурмат билан қараш, қатъий интизом ҳамма нарсадан баланд турганлигини эътироф этишмоқда. Президент Каримов сиёсати ана шундай қадимий тажрибага таянади. У миллий давлатчилик анъаналарига асосланиб фикр юритади. Вужудга келаётган ҳодисаларни ана шу тарихий тажрибалар ва фуқаро эҳтиёжларидан келиб чиқиб таҳлил этади.

Албатта, Ислом Каримов ўз навбатида тараққий топган мамлакатлар сиёсий йўлини, жаҳон давлатчилиги илғор тажрибаларини чуқур ўрганади. Бироқ уларга эргашмайди. Бу тажрибалар ҳақида ҳар томонлама мулоҳаза юритади. Лекин улардан андоза олмайди.

Айримлар демократия хусусида гапирар экан, Президент Каримов қаттиққўл, эркинликни бўғади, деган таъналарни отишмоқда. Юзаки қараганда одамга шундай туюлади. Бироқ масалага жиддийроқ ёндошилса, бунинг аксини кўриш мумкин. Чунки, биринчидан, демократия хоҳлаган гапни гапириш, хаёлингга келган ишни қилиш имконияти эмас. Чинакам демократия ақл-идрок, бой маънавият ва маданият кўриги. Иккинчидан, юқорида айтганимиздек, бошқарувда андоза олиш раҳбарни ҳам, мамлакатни ҳам боши берк кўчага киритиб қўяди. Масалан, Ғарб демократиясини Шарқ мамлакатларида жорий этиш мумкин эмас. Унга тақлид қилиш кутилмаган фожиаларни олиб келиши мумкин. Бунинг аччиқ натижаларини Тожикистон мисолида кўрятмиз. Эркинликка ортиқча йўл бериш, давлат ва бошқарув аппаратининг беҳад бўшашиб кетиши, ҳокимият жиловининг ўз ҳолига ташлаб қўйилиши минг-минглаб хонадонлар бошига кулфат тушиши билан якунланишига гувоҳ бўлдик. Қолаверса, Россия Федерациясидаги аҳвол ҳаммамизга сабоқ бўлиши керак. Ҳозир у ерда бундан қарийб икки юз йил бурун башорат қилиб кетган Криловнинг машҳур «Оққуш, қисқичбақа ва чўртон балиқ» масалидаги воқеа содир бўляпти. Мамлакатни ҳар ким ўз томонига тортаётгани, давлат, ҳукумат ва парламент ўртасидаги келишмовчиликлар сабабли халқ ҳаёти тобора таҳликали тус олмоқда. Аҳоли турмуш тарзи кундан-кунга ёмонлашмоқда. Қаҳатчилик васвасаси авж олмоқда.

Республикамизда вужудга келган ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий барқарорлик, ишлаб чиқаришдаги узлуксиз жараён ана шу қаттиққўллик, талабчанлик ва қатъий интизом натижаси эканлигини очиқ-ойдин тан олайлик.

Демократия ҳақида яна икки оғиз сўз. Ҳар бир халқнинг фикрлаш даражаси, воқеа ва ҳодисаларга муносабати, уни баҳолаш тарзи, ўзининг тарихий келиб чиқиши, қадимий анъаналари асосида шаклланган турмуш тарзи ва табиати билан белгиланади. Ғарб демократиясида андишасизлик, Шарқ демократиясида эса аксинча — андишалилик, Ғарбда ота-онани сенсираш, Шарқда эса ўзидан катталарга, раҳбарга ҳурмат билан қараш, Ғарбда юз-кўзинг демай гапириш, Шарқ демократиясида мулоҳаза юритиб, ақл билан иш тутиш анъаналари мавжуд. Умуман, ҳаёт тарзи, анъаналар ҳамма вақт ҳар бир мамлакат халқларининг хулқ-атворини шакллантиради, хатти-ҳаракатини, воқеаларга муносабатини одатга айлантиради, миллатнинг қон-қонига сингиб кетади, минг бор ҳужайрасидан жой олади. Демак, зарурат туғилганда Мағрибдаги воқеани Машриққа кўчириш, Машриқдаги ҳолатни Мағрибда зўрлаб амалга ошириш мумкин эмас. **Демак, ўз миллий давлатчилик тажрибаларимиздан, анъаналаримиздан келиб чиқиб, ҳар қандай шароитда ҳам оғир-вазминлик ва ақл-идрок билан иш тутиш — Президент Ислом Каримов сиёсий йўлининг, иш услубининг бош концепцияси ҳисобланади.** Бу «қаттиққўл» ва «ўжар» сиёсатда қонунга ҳурмат билан қараш, қатъий интизом тушунчалари зарурий эҳтиёж даражасига кўтарилади!

Айримларнинг фикрича, Президент ҳуқуқий демократик давлатни шакллантириш хусусида фақат оғизда гапирадилар, амалда барча имкониятларни чеклаб ташлаётган эмиш. Бу гапни айтаётганлар нуқул Ўзбекистонни Америка Қўшма Штатлари, Олмония, Фарангистон, Англия ва бошқа бир қатор мамлакатлардаги аҳвол билан солиштирадилар. Ахир, бироз бўлса-да ҳақиқатга юз тутайлик. Бу мамлакатларда инсон ҳуқуқлари, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатлар борасида тўпланган тажрибалар, амалга оширилган ишлар икки юз ва ундан ҳам ортиқ йиллар мобайнида вужудга келганлиги ҳаммага аён-ку! Мустақил Ўзбекистонда икки йил ичида Ғарб давлатларидагидек кенг миқёсли тадбирларни амалга ошишни талаб этиш ақлга сиғмайдиган ҳолат. Одамлар дунёқараши, фикрлаш тарзи ва онглилик даражасини бир кун ё бир йилда ўзгартириш сира мумкин эмас.

Бироқ, масаланинг бошқа томони ҳам бор. Бу ривожланган мамлакатлар мустақилликка эришган давр ва бугунги кун ижтимоий-сиёсий жараёнларининг турличалиги, одамлар дунёқараши ва онглилик даражасидаги ўзгаришлар жиҳатидан қараганда мазкур ривожланган мамлакатларга нисбатан Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат тезроқ вужудга келтирилади. Ислом Каримовнинг Ўзбекистоннинг худди ана шу имкониятларини, мамлакат фуқаролари дунёқараши, меҳнатга муносабати, яратувчилик иқтидори, мамлакатнинг табиий бойликлари ва бошқа бир қатор омилларни назарда тутиб КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ деб бошорат қилишида асос бор. Энди ҳамма гап ана шу буюк неъматни асраб-авайлашда!

Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинганига эндигина икки йил бўлди. Шу қисқа фурсат Президент Ислом Каримов сиёсий фаолияти, раҳбарлик услуби нақадар тез шаклланиб бораётганини, халқаро минбарларда унинг янгидан-янги имкониятлари намоён бўлаётганини кўрсатмоқда. Хўжалик юр-

(Давоми тўртинчи бетда).

ЮКСАЛИШ ЙЎЛИ

(Давоми. Боши учинчи бетда).

тиш, иқтисодни бошқариш, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, фан ва маданиятни бутун чоралар билан ривожлантириш, қариялар, нафақахўрлар, ногиронлар, талабалар, оналар ва болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, кадрлар билан ишлаш, уларни ўз ўрнига қўйиш, ислоҳотлар даври раҳбарларини тайёрлаш ва тарбиялаш, қолаверса, ташқи сиёсатни такомиллаштириш, дунё хавфсизлиги ва тинчлиги учун курашиш, энг номдор ва нуфузли давлат арбоблари ҳамда сиёсатдонлар билан тенгма-тенг туриб, умуминсоний ва дунёвий масалаларни ҳал этишда ўзининг аниқ, пишиқ-пухта концепциялари билан иштирок этиш... ва ҳоказо.

V.

Жамиятни тубдан ислоҳ қилиш даврида Ислом Каримовнинг давлат раҳбари сифатида умумхалқ ва умумдавлат манфаатига дахлдор бўлган сиёсий-ташкилий тадбирларни ишлаб чиқиш борасидаги куч-ғайрати яна ҳам кўпроқ намоён бўлмоқда.

Жумладан:

БОШҚАРУВ ТИЗИМИ тубдан ўзгарди. Қонун чиқарувчи орган, ижро ҳокимияти ва суд ҳокимияти тизими янги, энг илғор шаклда тузилган. Айни пайтда Олий Кенгаш ва Вазирлар Маҳкамаси иш услуби тубдан ўзгартирилди ва у демократик давлатлар иш услубига тобора яқинлаштирилиб, шакллантирилмоқда. Давлат бошқаруви эса қонунга таянган, қонунни ҳимоя қиладиган олий назорат органига айлантирилмоқда.

Вилоят ва туманларда Кенгаш раислиги ўрнида ҳокимликлар жорий этилди. Ҳокимлик олдинги Кенгаш раислигидан ёки биринчи котибликдан лавозим ва ҳуқуқий мақоми билан тубдан фарқ қилади. Ҳокимликда энди кўпроқ мустақиллик, ўз ҳудудида ўз ҳукми ва сўзининг салмоғини ошириш, хўжалик ва иқтисодий бошқарувда қатъият билан ишлаш имконияти кенгроқ. Бошқарув усулининг ихчамлиги, буйруқбозлик ва қоғозбозликнинг камлиги, ҳаётга ва ишлаб чиқаришга яқинлиги билан олдинги тизим анъаналари ва усулларидан анча-мунча афзалликларга эга.

Бироқ ҳокимликлар ҳамма жойда ҳам бутун имкониятлари ва иқтидорларини кўрсата олмаяптилар. Уларнинг айримлари янгича тизимда эскича усул билан ишлаётгани сир эмас. Жойларда худди ана шундай раҳбарларнинг мавжудлиги учун ҳам мустақиллик одимлари тезлашишига халақит беріляпти. Одамлар расмиятчилик, порахўрлик, «сендан угина, мендан бугина» қабилида ишлаш, таъмагирлик, қонунбузарлик ва жиноятчиликнинг дастидан азият чекишмоқда. Бунинг ёрқин мисолини Андижон, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларида юз берган салбий ҳодисалар мисолида кўриш мумкин.

Президент сиёсатининг бош йўли — ҳуқуқий, демократик давлатни вужудга келтириш, ҳамма нарсадан қонунни устун қўйиш, қонун олдида барчанинг тенглигини таъминлаш «фуқаро—жамият—давлат» принципини жорий этиш, ана шу йўл билан фуқаролар жамиятини вужудга келтириш. Бу принципга зид бўлган барча ҳаракатларга Ислом Каримов қатъият билан қарши курашяпти. Жойларда қонунни ҳурмат қилмаслик, уқувсизлик ва бошқа иллатлар туфайли мавқеини йўқотиб қўйган айрим вилоят ва ўнлаб туман ҳокимлари, маҳаллий ҳуқуқ органлари, савдо, табобат, маиший хизмат тармоқларининг раҳбарлари хизмат вазифаларидан озод этилмоқда. Бу тузумни иллатлардан тозалаш, фуқаролар жамиятини шакллантириш, инсонга табиатнинг буюк гултожи сифатида қараш каби халқчил сиёсатнинг амалдаги кўринишидир.

ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ. Маълумки, ҳозирғача халқ хўжалигининг турли тармоқларини қатор вазирликлар ва вазирлик мақомидаги давлат қўмиталари бошқарар эди. Ишлаб чиқаришга дахлдор бўлган, маҳсулот етиштириб, уни қайта ишлаб, сотиш имкониятига эга бўлган бу ташкилотлар давлат бюджетидан маблағ олиб иш юритишар эди. Ҳозир уларнинг бир қисми турли концернлар, корпорациялар, ассоциациялар, бирлашмалар, акционерлик ташкилотларига айлантирилди ва текинтомоқликка чек қўйилди. Ўзлари маҳсулот ишлаб чиқариб, хом ашёни қайта ишлаб, ички ва ташқи бозорга олиб чиқиб, ана шу йўл билан ўзларини ҳам, давлатни ҳам бойитиш йўлига ўтказилди.

Президентнинг хўжалик юритиш сиёсатида давлат мулкини хусусийлаштиришга эътибор алоҳида ўрин тутади. У ҳозиргача қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган давлат хўжаликларини давлат ихтиёридан чиқарди. Улар бутун мол-мулки, техникаси ва бошқа имкониятлари билан бирга ижара ва жамоа мулкига айлантирилди. Бу қишлоқ хўжалигида кенг миқёсли хусусийлаштиришнинг биринчи, катта қадами.

Маълумки, пахта республика деҳқончилигининг асосий маҳсулоти ва катта бойлиги ҳисобланади. Ана шу бойликнинг йилдан-йилга кўпроқ қисми уни етиштирган хўжаликлар ихтиёрида қолдирилмоқда. Бу мазкур хўжаликларнинг ўз маҳсулотларини хоҳлаган нархда хоҳлаган мамлакатга сотиш, шу билан иқтисодий аҳволни яхшилаб олиш имкониятини беради. Бугунги кунда республикада кичик корхонаси бўлмаган хўжалик оз. Бу хом ашёни тайёр маҳсулотга айлантириб сотиш, саноат билан деҳқончиликни яқинлаштириш йўлида қилинаётган самарали ва узоқ муддатли иш.

ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ. Президент долзарб вазифа қилиб энг аввало бозор иқтисодига ўтиш масаласини қўйди. Бунинг учун «янгисини қурмай туриб, эскисини бузмаслик» каби минг йиллар мобайнида халқ тажрибасидан ўтган, синалган принцип асосида иш тутиш, босқичма-босқич, аста-секинлик билан бозор иқтисодига кириб бориш лозим. Демак, биринчи галда бозорни ташкил этиш, иккинчидан эса аҳоли дунёқарашини, турмуш тарзини, маънавий ва маданий даражасини бозор иқтисодига мослаштириб бориш керак. Бу бир кунда ё бир йилда қилинадиган иш эмас. Бу — узоқ муддатли ташкилий ва тарбиявий жараён, алоҳида тайёргарликни, вақт ўтган сари масалага чуқурроқ кириб, кенг қамровли иш олиб боришни талаб этадиган воқейлик.

Президент иқтисодий сиёсатининг асосий тамойиллари бўйича:

— иқтисоднинг ҳамиша сиёсатдан юқори туриши, у ҳеч қачон сиёсатнинг думида осилиб турмаслиги;

— давлат, қонуний йўл билан сайланган ҳокимият бош ислоҳотчи сифатида майдонда туриши, бошқарув жиловини қўлдан чиқармай, халқ хўжалигининг барча соҳаларида қатъий талабчанлик ва бошқарувчиликни амалга ошириши даркор. Иқтисодни ривожлантиришда кичик корхоналарни ташкил этишга катта аҳамият берилмоқда. Кичик корхонада хом ашё етиштирилгач, у қайта ишланиб, тайёр маҳсулот сифатида бозорга олиб чиқилмоқда. Хорижий мамлакатлар билан кўплаб қўшма корхоналар қурилаяпти, улар яқин йилларда ўз самарасини бера бошлайди.

— аҳолиси айни пайтда 22 миллиондан ошиб кетган, ҳар йили ўртача 550 минг кишига кўпаётган мамлакатда давлат ўз фуқароларини муҳофаза қилишга қодир бўлиши;

— қонун ҳамма нарсадан устун бўлиши, ким бўлишидан қатъий назар, барча қонун олдида жавобгар бўлиши лозим;

— ҳеч қандай ижтимоий ларзаларсиз, қаҳатчиликсиз ва ошшоқликсиз, одамларга зиён етмайдиган тарзда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг янги босқичига ўтиш.

Ана шу беш тамойил мамлакатни иқтисодий жиҳатдан ислоҳ қилиш, уни моддий ва маънавий бақувват давлатга айлантириш тадбирларини амалга ошириш дастури ҳисобланади.

Президент Ислом Каримов Швейцарияда «Форум Фонд» халқаро иқтисодий ташкилоти IV сессиясида катта нутқ сўзлади ва ўзининг мамлакатни тубдан ислоҳ қилишга доир беш тамойилини дунё минбаридан туриб эълон қилди. Унинг чиқиши янги давлат раҳбарининг кенг имкониятлари ва замонавий, илғор қарашларини кўрсатди. Бу концепция жаҳон давлатчилиги назарияси ва амалиётини янги тарихий шароитларда ривожлантиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Қарийб 150 йил мустамлакачиликда яшаган ёш мустақил давлатни ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ривожлантиришнинг ўзига хос мустақил йўли, аниқ, пишиқ-пухта, илмий асосланган принциплари борлигини намоён этди. И. Каримов ишлаб чиққан бу беш тамойил мазкур сессияда юқори баҳоланди.

Кейинги икки йил ичида 700 минг гектардан кўпроқ ер деҳқонларга бўлиб берилди. Бу иқтисодий танглик таҳлика солаётган бир пайтда аҳолисининг асосий қисми қишлоқ жойларда яшайдиган аграр мамлакатда иқтисодий барқарорликни сақлаб туришда катта аҳамиятга эга. Қишлоқ аҳли аввaламбор, ўзи деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари билан таъминланмоқда. Ўзидан ортганини эса шаҳар бозорларига олиб чиқиб, шаҳарликлар дастурхонига ҳисса қўшмоқда.

ФАН, МАДАНИЯТ ВА САНЪАТНИНГ бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида давлат тасарруфида бўлиши масаласи. Президент ташаббуси билан айни пайтда мазкур соҳани ривожлантириш учун давлат бюджетидан бир неча миллион сўмлаб маблағ ажратилмоқда. Бир неча юзлаб илмий тадқиқотчилар, ёш олимлар чет элларда тажриба алмашмоқдалар. Юзлаб талабалар Америка Қўшма Штатлари, Англия ва Туркияда таълим олишмоқда. Улар жаҳон тараққиёти ва илғор тажрибалари билан қуролланиб яқин йилларда Ўзбекистон ишлаб чиқариши, саноати ва қишлоқ хўжалигини ана шу тажрибалар билан қуроллантиришга катта ҳисса қўшадилар. Бунинг учун давлат бюджетидан қанчадан-қанча маблағ ва хорижий валюталар сарфланмоқда.

Маданият аҳлига, ижодкорларга, адабиёт ва санъат кишилари, илмий ходимларга, журналистларга ғамхўрлик қилиш Президентнинг диққат марказида турибди. Ижодкорлар жамғармасининг тузилиши, оммавий ахборот воситаларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилиши, зиёлиларга истиқомат қилаётган уйларининг текин берилиши бунинг ёрқин далилидир.

Аҳолисининг асосий қисмини — 40 фоиздан кўпроғини болалар ташкил этадиган мамлакатда болалар ва ўсмирлар нашрларининг бутунлай давлат тасарруфига олиниши қувончли воқеадир. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида фан, маданият ва санъатга ғамхўрлик қилинмаса бўлмайди. Чунки миллат ва давлат равнақи фан, маданият ва санъатнинг ривожи билан белгиланади. Умуман, маданият таназзулга юз тутмаслиги учун Президент ва ҳукумат ўзининг узоқни кўзлаган дастурига эга бўлиши лозим.

ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА. Қариялар, нафақахўрлар, ногиронлар, талабалар, оналар ва болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш масаласи давлат сиёсати аҳамиятини касб этмоқда. Бугунги кунда биздаги энг кам пенсия миқдори ҳамдўстлик мамлакатларининг кўпчилигидан анча юқори. Талабалар учун барча имтиёзлар яратилган, шунингдек, алоҳида яшаш ва овқатланиш шароитлари яратиб берилган. Оналар ва болалар соғлиғини ҳимоя қилиш учун белгиланган чора-тадбирлар мамлакат истиқболини аниқроқ тасаввур қилиш имконини беради. Жумладан, Президент ташаббуси ва фармони билан «Соғлом авлод учун» орденининг ва жамғармасининг ташкил этилиши чинакамига ҳар томонлама бақувват, соғлом, ақл-идрокли авлодни етиштиришга эътиборни оширади. Оналарнинг соғлиғини, ижтимоий аҳволини, яшаш шароитини яхшилаш тадбирларини амалга ошириш йўриқлари ишлаб чиқилган. Мамлакатнинг истиқболи энг аввало келгуси авлод тақдири билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам унинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий баркамоллиги учун курашиш давлат сиёсати даражасигача кўтарилди. Бу ғамхўрлик Президент Ислом Каримов инсонпарварлик сиёсатининг ёрқин самарасидир.

ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТНИ БАРПО ЭТИШ, фуқаролар жамиятини вужудга келтириш, қонун устиворлигига эришиш Президент ва у раҳбарлик қилаётган ҳукуматнинг асосий мақсадларидан бири. Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг ягона манбаи халқ бўлиб қолиши, давлат ҳар қандай шароитда ҳам халқнинг хоҳиш-иродасини ифодалаши, унинг манфаатлари йўлида хизмат қилиши асосий тамойил қилиб олинган. Президент тадбирларида мамлакат фуқароларининг ҳаёти учун зарур бўлган барча эҳтиёжлар, фуқароларнинг тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қонун билан кафолатлаш ҳамда уни тўла амалга ошириш каби олижаноб, ғоят халқпарвар сиёсат яққол кўзга ташланади. Давлат, унинг идоралари ва барча каттаю кичик мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида жавобгар эканлиги, инсон эрки, шаъни, қадр-қиммати муқаддас саналиб, у давлат томонидан ҳимоя қилиниши масалаларига катта эътибор берилмоқда. Президент Ислом Каримовнинг Республика Олий Кенгаши ўн биринчи сессиясида сўзлаган нутқида бу масалалар яна ҳам аниқроқ кўрсатиб берилди ва соҳибқирон Амир Темурнинг «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади» деган ақидаларини яна бир бор такрорлади.

Бу билан ўз сиёсий йўлини, давлатчилик усул ва услубини равшанроқ кўрсатди.

КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ, ТАРБИЯЛАШ ВА ЎЗ ЎРНИГА ҚЎЙИШ янги ижтимоий-сиёсий жараёнлар шаклланиб бораётган, тузум бошқача қиёфа касб этаётган пайтда муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда Президентлик девонида, Олий Кенгаш ва Вазирлар Маҳкамасида, вилоят ва туман ҳокимликларида ишлаётганларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этмоқда. Кейинги бир йил ичида вазирликлар, концернлар, акционерлик бирлашмалари раҳбарлигига ёш, навқирон, ҳозирги сиёсий ўзгаришлар ва ислоҳотларнинг туб моҳиятини тўғри англайдиган, ўз вазифаси ва бурчини аниқ тушунадиган ёшлар тайинланди. Бу мамлакатни бошқаришда янги авлоднинг кириб келаётганидан, соғлом маънавий-сиёсий муҳит шаклланаётганидан далолат беради.

Бошбошдоқлик, ўзибўларчилик, турли хилдаги жиноятчилик авж олиб кетганлиги сабабли бир қатор вилоятлар ва туманларда раҳбарларнинг ўзгартирилиши, бундай салбий ҳодисаларга қатъий чек қўйиш, ҳар қандай шароитда ҳам мустақилликни мустаҳкамлаш ва мамлакат равнақи соғлом кадрларга боғлиқлиги Президентнинг асосий мақсади эканлиги яққол кўзга ташланди. Маҳаллийчилик, уруғчилик иллатлари билан келиша олмаслик, барча шахсий адоват ва манфаатлардан умумхалқ манфаатини устун қўйишни қатъий талаб қилиш кадрлар сиёсатида муҳим ўрин тутади. Президент Ислом Каримов Жиззах вилояти сессиясида ана шундай ғайриқонуний ва худбинлик манфаатлари илдиз отган ҳодисаларни таҳлил этар экан: «Биродарлар, инсоф қилинглар! Мен гарчи Президент бўлсам-да ёлғиз кишиман, агар ҳаммамиз бирлашмасак, қўлни-қўлга бермасак, ишда силжиш бўлмайди», — деди. Бу ўта самимий, халқ тилида оддий қилиб айтилган гапдир. Бунинг тагида сиёсий арбобнинг бутун ташвишларию изтироблари, интилишларию азоблари ётибди. Маҳаллийчилик, тор тушунчалар қобиғидан чиқолмаслик иллатларидан оғриниш бор. Бу сўзнинг тагида мустақиллик машинасининг силжишига халақит бераётганлар, уни атайлаб орқага тортишга интилаётганлар, турли хилдаги найрангбозлару фирибгарлардан холос бўлиш, қатъият ва сабот билан ҳақ йўлдан тўғри бориш ва бу йўлда бирлашиб ҳаракат қилиш истаги турибди. Унинг замирида ҳамон айрим жойларда амалпарастлик, буйруқбозлик йўқолмаётгани, ҳокимлар ва ташкилот раҳбарлари ҳали тўла қувват билан ишлашмаётганлиги масаласи ётибди.

ТАШҚИ СИЁСАТ. Мустақилликнинг ўтган даври Ўзбекистон истиқлоли ва истиқболига шубҳа билан қараётганларни бироз ўйлашга, Ўзбекистон билан алоҳида ҳисоб-китоб қилиб, фикрни жамлаб олиб муносабатда бўлишга мажбур этди. Ўзбекистон ўз имконияти, тарихий, жуғрофий, маънавий ва сиёсий жиҳатдан ўз анъаналарига, ўз сиёсатига, жаҳон минбарида ўз сўзи ва ўз ўрни борлигини кўрсатишга қодир эканлигига тобора кўпроқ ишона бошлашди. Бу бевосита мамлакат Президенти Ислом Каримовнинг ташқи сиёсатидаги уддабуронлик ва эпчил ҳаракати, қатъиятлилиги, ҳар қандай арбоб билан тенгма-тенг туриб гаплашиши халқаро анжуманларда ва учрашувларда ўзининг асосли фикрларида қатъий туриши, умуминсоний манфаатларни ҳимоя қилишга шай турганлиги ҳамда ҳозиржавоблиги билан белгиланади.

Президент Ислом Каримов қайси мамлакатда бўлмасин, ё қайси давлат раҳбарини қабул этмасин, музокаралар давомида юксак сиёсий дипломатия, олий даражадаги маданиятга йўғрилган муомала, катта билимдонлик ва донишмандликдан ташқари ҳукмини ўтказа билиш, ўз фикрининг тўғрилигига суҳбатдош ё йиғин қатнашчиларини ишонтира олиш қобилиятини кўрсата олади. Шунинг учун ҳам у билан ҳар қандай давлат раҳбари ўта ҳушёрлик билан муомалада бўлади. Ўзини йиғиб туришга, ҳар бир сўзни ўйлаб гапиришга мажбур бўлади. Бу — Каримовнинг сиёсий арбоб сифатидаги ноёб фазилати! Бу давлат раҳбарининг улкан истеъдоди! Бу — ҳаммага ҳам насиб этмайдиган буюк неъмат!

Биринчи галда қўшни ҳамдўстлик мамлакатлари билан иқтисодий, сиёсий ҳамкорликни мустаҳкамлаш Ислом Каримов сиёсатининг муҳим хусусиятларидан биридир. Бевосита унинг ташаббуси билан шу йилнинг бошида беш қўшни мамлакат раҳбарлари Тошкентга таклиф этилди ва Марказий Осиё Ҳамдўстлигига асос солинди. Бу бир томондан азалий қон-қардош бўлган, анъаналари, турмуш тарзлари ва урф-одатлари бир бўлган халқларни яқинлаштириш асосида бу улкан ҳудудда иқтисодий барқарорликни вужудга келтириб, тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, турли иғвогарликлар авж олаётган бир пайтда мазкур халқлар бир-бирини тўғри тушуниб, оға-ини бўлиб, энг оғир пайтларда бир-бирига суяниб туришни кўзда тутади. Иккинчидан, қийин шароитларда иқтисодий барқарорликни сақлаб туриш ва халқ турмуш даражасини кўтаришда минтақа имкониялардан кўпроқ фойдаланиш заминини яратади. Бу мустақилликни мустаҳкамлаш ва минтақа давлатлари тараққиётини тезлаштиришда муҳим сиёсий моҳият, тактик ва стратегик аҳамият касб этади. Учинчидан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирган мамлакатлар учрашуви тобора орқага сурилиб, унда кўриладиган масалалар майдалашиб кетаётган бир пайтда янги Ҳамдўстликнинг тузилиши катта сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Шунда Ислом Каримовнинг ўта қатъиятлилиги, масалаларга ҳозиржавоблик билан ёндошиши, ўз фикрида собитлиги яна бир бор намоён бўлди. Қолаверса, бу ҳамдўстлик иш бошлагандан сўнггина бошқа мамлакатлар раҳбарлари ҳам бироз ҳушёр тортиб қолишди.

Президент Ислом Каримовнинг Олмонияга сафари унинг ташқи сиёсат борасидаги имкониятлари тобора кенгайиб бораётганини, вақт ўтгани сайин бу фазилат такомиллашиб, камолатга етаётганини кўрсатди. Юксак маданиятга асосланган дипломатия, музокараларда тенгликни сақлаб туриш, айни пайтда ўзини ерга урмаган ҳолда суҳбатдошининг иззатини жойига қўйиш, манфаатлар тўқнашганда эса қатъият, ўзига ишонч ва ўзгани ишонтира олиш, халқаро муаммоларни ҳал этишда донишмандлик билан ёндошиш ва асосли фикрларни ўртага ташлаш салоҳиятини ёрқин намоён этди.

Ўзбекистон раҳбарининг Олмонияга бориши ҳақидаги хабар дунёда тез тарқалди ва катта шов-шувларга, мунозараларга сабаб бўлди. Жаҳон сиёсатдонлари, шарҳловчилар, воқеаталаб мухбирлар Каримов немис юртидек бой ва тараққий топган мамлакатга илтижо билан моддий ёрдам сўраб келади, деб ўйлашди. Шунинг учун тайёра пиллапоясидаёқ Президент Каримовни саволларга кўмиб ташлашди-ю унинг сокин ва бамайлихотир жавобларидан ҳайратга тушишди. «Мен Ўзбекистонни немисларга танитгани келдим», — деди Президент. Сафар давомида И. Каримовнинг ўз юрти, миллати, унинг тарихи, жаҳон цивилизациясига дахлдор маданияти, ривожланишининг жуда катта иқтисодий, табиий ва маънавий имкониятларига эга эканлиги, шунинг учун ҳам Ўзбекистон ҳеч қандай ёрдамга муҳтож эмаслиги, бироқ, тенгма-тенг ҳамкорликка тайёрлиги ҳақидаги мулоҳазалари чиндан ҳам дунё журналистлари диққатини тортди. Бу улар учун кутилмаган ҳолат эди!

Президент Ислом Каримов халқаро сиёсатда Шарқ мамлакатлари билан ҳамдўстлик масалалари муҳим ўрин тутади. Жумладан, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон ва Покистон билан мустаҳкам иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш, бу мамлакатлар орқали дунё бозорига чиқиш ана шу кенг ҳудуддаги барча мамлакатлар манфаатига мос тушиши ташаббускори ҳам Каримов бўлиб майдонга чиқди.

Тожикистон воқеаларига тўғри баҳо бериш, уни халқаро майдонда дунёвий фожеа даражасида тан олиш, халқаро ташкилотлар диққатини жалб этиш Ислом Каримов инсонпарварлик сиёсатининг муҳим қисми бўлиб қолди. У биринчи бўлиб мазкур масалани Бирлашган Миллатлар Ташкилоти олдига кўндаланг қилиб қўйди. Бош котиб Бутрос Ғолий номига мактуб йўллаб, унинг нуфузли комиссиясини бу ерга таклиф этди. Шу билан бирга қатор йирик мамлакатлар раҳбарларига мурожаат этиб, Тожикистонда тинчлик ўрнатиш, фуқаролар урушининг олдини олиш чораларини кўришга даъват этди.

Тожикистон воқеалари турли мамлакатларда турлича талқин этилаётган, унга ҳар хил, қарама-қарши фикрлар билдирилаётган бир пайтда Ислом Каримов ўз позициясида қатъий туриб, энг адолатли ва асосли баҳо берди. Шунинг учун ҳам унинг бу соҳада тутган йўли тўғри бўлиб чиқди. Таклиф этган чора-тадбирлари тўла амалга оширилди.

Каримов ташаббуси билан биринчи бўлиб Ўзбекистон тожик халқига моддий ва маънавий мадад беришга киришди. Унинг тожик ерида тинчликни сақлаш ва барқарор осудалик учун курашларини халқ юксак қадрлади, муносиб баҳолади. Чунончи, фуқаролар уруши қизғин авж олган ва ғайриинсоний ҳаракатлар кучайган жойдаги хўжаликка Ислом Каримов номини қўйиш учун розилик сўраб мактуб йўллашди. Тожикистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси И. Раҳмонов эса Ўзбекистон телевидениеси мухбирига берган интервьюсида Ислом Каримовни маънавий отам деб атади. Буларнинг бари Ислом Каримов сиёсатининг ўта халқчиллиги, ҳаётийлиги, самимий ва инсонпарварлигидан далолат беради. У ўзининг халқ билан тиллаша олиши, халқ дарди ва ташвишини чуқур ҳис этиши билан омма қалбидан жой олди. Зеро, **сиёсатнинг қадр-қиммати — унинг халқчиллигида! Сиёсатнинг ҳаётийлиги — унинг самимий ва соддалигида! Сиёсатнинг устиворлиги — унинг адолатли ва инсонпарварлигида! Бошқача бўлиши мумкин эмас!**

ИСЛОМГА МУНОСАБАТ. Президент Ислом Каримов сиёсати ва иш услубининг ўзига хослигини бу соҳада ҳам кўриш мумкин. У кейинги йилларда ислом маданияти ва маърифатини кенг тарғиб қилишга катта аҳамият берди. Ўрта Осиё тарихида биринчи марта Қуръони Карим ва Ҳадислар, қолаверса, бир қатор бошқа диний китоблар ўзбек тилида чоп этилди. Президентимиз Саудия Арабистонига ташриф буюрганида Маккаи Муқаррама ва Мадинаи Мунавварада бўлиб, Каъбани зиёрат этди ва ҳожи бўлиб юртимиз истиқболи, истиқлоли ва иқболини ўйламоқда. Шунингдек, Ислом Каримов Эрон, Малайзия, Индонезия, Покистон ва Миср сингари ислом мамлакатларида бўлиб, Ўзбекистон мусулмонлари ҳаётида катта бурилиш ясади. Бироқ, у маърифат билан ҳурофот, онгли муносабат билан қуруқ ақидапарастлик ўртасидаги муносабатларни чуқур тадқиқ этади. Ислом маърифатига, унинг бой маънавий ва маданий меросига қанчалик кўп ён босса, уни сохталаштирувчиларга, юзаки ақидапарастликка, эҳтиросга зўр берувчиларга ва ислом омилидан ўз манфаати йўлида фойдаланувчиларга шунчалик кўп қарши туради. Бу соғлом фикрни, соғлом ақл-идрокни ҳимоя қилиш сиёсати! Бу исломни юксак маданият сифатида асраб-авайлаш, унга доғ туширмаслик сиёсати!

VI.

Воқеалар ривожи тобора тезлашмоқда. Ижтимоий-сиёсий жараёнлар янгидан-янги муаммоларни ўртага ташламоқда. Мамлакатимизда, ҳамдўстлик давлатларида, қолаверса, бутун жаҳонда янгича қарашлар ва янгича яшаш тарзи вужудга келмоқда. Буларнинг бари мамлакат раҳбаридан ана шу янги даврга мос бўлишни, янгиликни ўз вақтида пайқаб олишни ва унга мос равишда жавоб тайёрлашни тақозо этади. **Президент Ислом Каримовнинг кейинги икки йил ичидаги фаолияти, унинг саъй-ҳаракати билан амалга оширилаётган ишлар, ички ва ташқи сиёсатда тутган ўрни, ўз тактика ва стратегияси билан янги даврнинг янги раҳбари сифатида шаклланиб бораётгани тобора кучга тўлиб, назарий ва амалий жиҳатдан мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради. Дарҳақиқат, у мутлақо янги шароитларда вужудга келган, энг замонавий сиёсат юргизувчи, янгича тарихий шароитларга мос равишда иш тутадиган давлат арбоби.** Ички ва ташқи ғанимларимиз, мамлакат тараққиётидан ғаши келаётган душманларимиз қанчалик иғвогарона ишлар билан шуғулланмасин, мустақил Ўзбекистон шаънига, унинг раҳбарияти номига ва халқчил, миллий давлатчилик сиёсатига мутлақо путур етказа олишмайди.

Президентнинг жамиятни тубдан ислоҳ қилиш давридаги сиёсий йўли унинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат», «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли», «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура» китобларида аниқ баён этилган. Мазкур китоблар ўзининг мазмун моҳияти билан Каримов қарашларининг нечоғли илмий асослилиги, назарий пишиқлиги ва амалий жиҳатдан зарурат эканлигини кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда, Каримовнинг жаҳон сиёсати саҳнасида ўзига хос, ҳеч ким юрмаган, ҳеч кимга ўхшамаган йўлдан бораётганидан, новатор сифатида янгидан-янги имкониятларини намоён этаётганидан далолат беради. Мазкур китоблар янги тарихий шароитларда ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг янгича талқини сифатида дастур вазифасини ўтайди. Унинг қиммати, нуфузи ана шунда!

Президент Ислом Каримовнинг иқтисодий сиёсати чиндан ҳам жаҳон жамоатчилиги диққатини ўзига тортмоқда. У ҳозиргача кишилик тараққиётида мавжуд бўлган русумларга ўз қарашлари билан янгилик қўшмоқда. Дунё давлатчилик ва иқтисодни бошқариш тарихий тажрибаларини янги шароитларда назарий ва амалий жиҳатдан бойитмоқда.

Ўзбекистон Олий Кенгашининг XIII сессияси бу соҳада муҳим қадам бўлди. Президентнинг сессияда қилган «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари» деб номланган маърузасида мамлакат иқтисодий ҳаётининг ҳозирги аҳволи чуқур таҳлил этилди, уни ҳар томонлама ривожлантириш, бу соҳада туб ислоҳотларни амалга ошириш йўллари кўрсатиб берилди. Ўртага ташланган масалаларнинг кескинлиги, улар таҳлилининг ёрқинлиги ва чуқурлиги, ҳал этиш учун кўрсатилган таклифларнинг илмий-назарий жиҳатдан асослилиги, амалий жиҳатдан эса ҳаётийлиги билан ажралиб туради. Бу бир томондан Президент иқтисодий сиёсатининг тобора кенг қамровга эга бўлаётгани, шаклланиб, сайқалланиб, такомиллашиб бораётганини кўрсатса, иккинчи томондан воқеликка фақат унинг ўзигагина хос бўлган муносабатини, ўзигагина хос бўлган услубини, ёндашувини белгилайди. Бундай ҳолат кишилик тарихида камдан-кам учрайди ва у тарихий ҳодиса сифатида тан олинади.

Маърузанинг ҳар бир банди алоҳида масалага бағишланган ва у алоҳида тадқиқотга мавзу. Бугунги кунда илмий ходимлар, олимлар ва тадқиқотчилар Президентнинг ана шу иқтисодий дастурини чуқур таҳлил қилсалар, уни кенг жамоатчилик онгига етказишга ҳаракат қилсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Мамлакатимизда ижтимоий фанлар тараққиётининг ўзига хос йўли ва мактаби мавжуд. Буни тан олиш керак. Бироқ унинг ҳозирги аҳволи талаб даражасида эмас. Янгиликни илғаб олишда, янги тарихий жараёнларни, ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни ўз вақтида баҳолашда сусткашлик қилинмоқда. Сиёсатшунослик, иқтисод, ҳуқуқ ва давлат қурилиши соҳасида қилинаётган ишлар ҳозирги инқилобий ўзгаришлар, ҳаёт талабларидан орқада қолмоқда, улар моҳиятини очиб беришда оқсамоқда. Ана шу нуқтаи назардан қараганда Президент Ислом Каримов мазкур соҳа мутахассисларидан анча илгарилаб кетди.

Президент Ислом Каримов сиёсати, унинг иш услуби, жаҳон сиёсати тараққиётига қўшаётган ҳиссаси алоҳида ўрганишни, махсус тадқиқотни, назарий жиҳатдан эса чуқурроқ таҳлил этишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Бунинг учун Президентнинг бу рисолалари асосида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилса, Ҳамдўстлик мамлакатлари ва яқин хорижий мамлакатлардан публицистлар, сиёсий арбоблар ва сиёсатшунослар таклиф этилса мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу мустақил мамлакатимизнинг маънавий-сиёсий тараққиётига катта таъсир ўтказарди.

Ўтган қисқа ва сермазмун давр мобайнида жаҳон сиёсатида, давлатчилик ва бошқарувчилик тажрибасида, айтиш мумкинки, **Ислом Каримов мактаби** вужудга келди. Бугун мамлакатимизда минг-минглаб турли тоифадаги раҳбарлар ана шу мактаб сабоғини олмоқда ва унда ишлаб чиқилган концепциялар, сиёсий йўл-йўриқлар асосида иш олиб бормоқда. Тўғри, улар орасида айрим ноқобил, хизмат вазифасини тўғри бажараолмаётган, турли гуруҳлар билан келишувчанликка бораётганлар ҳам йўқ эмас. Бироқ, Президент қатъият билан уларни соғлом, эпчил, ислоҳотлар даври талабларини тўғри тушунган кадрлар билан алмаштириб бормоқда.

Миллий давлатчиликни шакллантириш, ёш мустақил мамлакатимизнинг ўз мафкурасини вужудга келтириш Президент сиёсатининг бош йўлидир.

Ислом Каримов яқинда бир гуруҳ таниқли адибларни қабул қилди. Суҳбат чоғида Президент мамлакатимиз истиқлолини мустаҳкамлаш, мустақил Ўзбекистоннинг ўз мафкурасини ишлаб чиқиш, она-Ватан учун фидойи, мард инсонларни тарбиялаш, халқимизнинг маънавий дунёсини бойитиш каби улкан ва шарафли ишларни амалга оширишда республика зиёлилари, жумладан, ёзувчиларнинг муҳим ўрни ҳақида сўзлади ва «Истиқлол буюк маънавий неъматдир. Уни авлодларга безавол ва мукаммал етказмоқ бизга насиб этди. Бу муқаддас вазифани адо этмоққа ҳар биримиз тайёр туришимиз керак. Ватан туйғусини теран тушуниш, мустақилликнинг аҳамиятини, моҳиятини қай даражада англаб етиш бугунги куннинг муҳим масалаларидан биридир», — деди.

Бугунги Ўзбекистон — янгидан-янги имкониятларини намоён этаётган, кучга тўлиб, нуфузи ошиб бораётган мамлакат. Бугунги Ўзбекистон — барча қийинчиликларни енгиб, мустақиллик йўлидан порлоқ истиқбол сари дадил қадам ташлаётган, халқаро майдонда обрўси ошиб бораётган мамлакат. Бу халқ билан ҳокимият бирлигидан, омма фикри билан давлат сиёсатининг муштараклигидан, Президент сиёсий йўлининг нақадар халқчиллигидан далолат беради.

Дарҳақиқат, Германия матбуоти Ислом Каримовни «Ўрта Осиёдаги энг кучли Президент», Ўзбекистон эса «Ҳамдўстлик мамлакатлари орасидаги энг тинч ва ривожланаётган мамлакат» деб тан олди. Америка Қўшма Штатларида чиқадиган «Новое Русское слово» газетаси эса Президентимизнинг Тожикистонда ва, умуман, Марказий Осиё минтақасида тинчликни сақлашдаги ғоятда катта хизматлари ҳамда халқаро ташкилотлар фаолиятига самарали ёрдам берганлиги учун халқаро тинчлик Нобель мукофотига муносиб деб баҳолади. Бу Президент номи ва фаолияти туфайли Ўзбекистон ва ўзбеклар, мамлакат ва миллат шаъни улуғланаётганини кўрсатади. Ана шулар хусусида ўйлар эканмиз, Президент масъулияти, унинг юки, шон-шавкати ва бурчи ўртасидаги боғлиқлик яна ҳам равшанлашади. Дарҳақиқат:

Президент — мамлакат салтанатининг рамзи. Юрт осойишталиги, халқ турмушининг фаровонлиги, сиёсатнинг изчил ва донолиги салтанатнинг нақадар соғлом ва мустаҳкамлигидан далолат беради. Давлатнинг халқаро майдондаги нуфузи, сўзининг салмоғи ва ўрни шу салтанат қиёфасини белгилайди. Салтанат қиёфаси эса ҳамма вақт Президент қиёфаси, унинг хатти-ҳаракати, дунёқараши билан уйғунлашиб кетади.

Президент — элу юрт обрў-эътибори. Миллат кўрки, халқ қадру қиммати, мамлакат маданиятининг кўзгуси. Унинг елкасида бутун юрт юки, халқ орзу-армони, ўтмиш олдида жавобгарликнинг, келажак олдида эса қарздорликнинг оғир, залворли бурчи туради.

Куни-кеча халқимиз ўз мустақиллигининг икки йиллигини зўр шодиёналик билан нишонлади. Байрам шукуҳи ҳар бир хонадонга кириб борди. Минглаб, миллионлаб юракларни жунбушга келтирди. Тарихан қисқа фурсатда қўлга киритилган ютуқлар ўз салмоғи, мазмуни ва моҳияти билан асрларга татигулик эканлигига ўзимиз ҳам, жаҳон аҳли ҳам яна бир бор ишонди. Бу бевосита эртанги кунимиз нурафшонлигидан, мамлакатимиз осмонида эса саодат қуёши мангу порлоқлигидан далолат беради. Бунга шубҳа йўқ! Чунки, салтанат саодатга суянгач, сиёсат адолатга таянгач ўзгача бўлиши мумкин эмас!

Нарзулла ЖУРАЕВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА

«Ўзбекистон — ватаним менинг!..»

Валерий Константинович Думлер Волгабўйи немислари орасида таваллуд топди. Аниқроғи, Саратов вилоятининг Ритишев шаҳрида туғилди. Уруш бошланганига қадар тўрт ёшли Валерий Русия фуқароси эди. Унинг кейинги тақдирида алғов-далғовли йигирманчи асрнинг нўлдан-кўп воқеалари ўзининг чуқур илдизларини қолдирди. Волгабўйи немислари учун дахшатли адолатсизлик урушдан сўнг юз берди. Уларнинг мухтор вилояти тугатилиб, аҳоли зўравонлик билан кўчирилди. Немис миллатига мансуб туб аҳоли улкан мамлакатнинг турли бурчакларига, жумладан Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикаларига сочиб юборилди.



ТАҚДИР ТАБАССУМИ

Тақдир тақозоси билан Валерийнинг ота-онаси ўша кезларда энди қад ростлаётган Ангренга келиб қолишди. Шу ерда яшадилар, ишладилар. Лекин бу ер ҳам уларга доимий макон бўлолмади. Тақдир шамоли уларни Зомингa келтириб ташлади. Шу тариқа немис оиласи узоқ ўзбек қишлоғидан қўним топди. Фарзандлар маҳаллий болалар билан бирга ўсди, бирга ўқиди, вояга етдилар. Зоминдаги 1-ўрта мактабни битирган Валерий Тошкент қишлоқ хўжалиги ва ирригация муҳандислари олийгоҳига ўқишга кириб, уни имтиёзли диплом билан битириб чиқди, олий маълумотли мутахассис бўлди. Уйига қайтиб механик-муҳандис вазифаларида ишлади. 1961 йилда унинг ҳаётида янги босқич бошланди. Мирзачўл ва Жиззах даштини ўзлаштирувчилар сафига қўшилди.

Ўша кезларда ва кейин ҳам унинг айрим қариндош-уруғлари, дўст-биродарлари, таниш-билишлари Россия ҳукумати Волгабўйи немислари учун мухтор вилоятини қайта тикламаслигига ишонч ҳосил қилишгач, асл ватанлари Германияга кўчиб кета бошладилар. Валерий Константинович эса ўзбеклар диёрида асло кам бўлмаслигини, келажаги ойдинлигини ҳис этди. Ўзбекистонни ўзининг она **юрти,** Ватани деб ҳисоблади. Зеро, мустақиллик туфайли республикада яшовчи барча миллат ва элатлар ваkилларининг тенг ҳуқуқлиги мустаҳкамланди.

Тошкентдаги Ўзбекистон немислар маданият маркази раиси Теодор-Екиль республика матбуотида шундай ёзган эди.

— Баъзилар Германияга кўчмоқда. Аммо барча немислар Ўзбекистонни тарк этади, деб ҳисоблаш соддаликдир. Бу ерлик немисларнинг кўплари учун Ўзбекистон она-ватан бўлиб қолган ва улар шу ватанга содиқдирлар...

Зоминда, Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг кўп жойларида барчанинг ҳурматини, меҳрини қозонган Владимир Думлер ҳам худди шу фикрда. Унинг ҳақида ҳамма жойда фақат илиқ гаплар айтилади. Тақдири кулиб боққан инсон дейишади. Бу гаплар унинг ўзига ҳам етиб келади. Шунда у ҳамма нарсани тақдирга йўймаслик, бахтли инсон бўлиш учун аввало меҳнатсевар, ўз ишига садоқат кўрсатиш зарурлигини таъкидлайди. Чиндан ҳам, унинг меҳнатсеварлигига қайси лавозимда бўлмасин, сидқидилдан, меҳр қўйиб ишлади. Айниқса ҳозирги амалида унинг ташкилотчилик қобилияти, бутун салоҳияти юзага чиқди. В. К. Думлер мана, етти йилдирки, вилоят миқёсидаги улкан автомобиль хўжалигига «Жиззахтранс» (собиқ «Облавтотрест») ишлаб чиқариш бирлашмасига раҳбарлик қилаётир. Бирлашма Ўзбекистон Республикаси Автомобиль транспорти вазирлигига бўйсунса-да, бирмунча хўжалик мустақиллигига эга.

— «Жиззахтранс» бирлашмасининг ишлаб чиқариш натижалари тизимимиздаги кўплаб меҳнат жамоалари учун намунадир, — деб таъкидлайди вазир Л. Ахметов. — Жиззахлик автотранспортчилар кейинги йилларда бир неча бор республика ғолиби деб топилди. Бирлашма раҳбари Владимир Думлер эса бизнинг фахрий автотранспортчиларимиз саналади. Унинг хизматлари «Ҳурмат Белгиси» ордени билан тақдирланган.

Илғорликнинг ўлчови нима? Амалдаги йилда бажарилган ишлар нуқтаи назаридан қаралса, бу — етти ой мобайнида ўн миллион тоннага яқин халқ хўжалиги юклари, юз минглаб йўловчи ўз манзилига етказилди, деганидир. Бу — бирдашма тасарруфидаги ўн беш автокорхонанинг барчаси давлат буюртмалари ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш топшириқларини ошириб бажараяпти, дегани. Бинобарин, бирлашма бозор муносабатларига ўтиш билан боғлиқ бир талай қийинчиликларга қарамай, тушаётган даромадни камайтирмаяпти.

Ёнилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар, авторезина ва ҳоказолар етишмай турган шароитда «Жиззахтранс» бирлашмасининг бир маромда ишлаб туришида қанақа сир бор?

— Ҳеч қанақа сири йўқ, — дейди бирлашма бошлиғи, — Аммо чуқур иқтисодий ислоҳотни бошдан кечираяпмиз. Гап пешлавҳалар ўзгарганида, яъни трестнинг бирлашмага айланганида эмас, туб таркибий ўзгаришлар, бозор иқтисодиёти талаблари асосида меҳнатни янгича ташкил этилганидадир.

У фикрини исботлаш мақсадида талай мисоллар келтиради. Лекин ана шу янгиликларга ўзи ҳам дахлдор эканлиги, кўпгина ишларнинг бевосита бошловчиси бўлганлигини камтарлик билан тилга олмайди.

Хўжалик ҳисобидаги автокорхона, икки кичик корхона, бир талай филиалларга эга бўлган Жиззах автовокзали шартнома асосида мустақил ишлаяпти. Бунда халқ хўжалиги ва аҳоли эҳтиёжларини тўлароқ қондириш асосий шарт ҳисобланади. Буни юзага чиқаришда Думлер ва унинг сафдошлари тадбиркорлигига қойил қолмай илож йўқ. Масалан, улар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини зарур миқдордаги авторезина, ёнилғи, акумулятор ва бошқа ресурсларга тўғридан тўғри айирбошлашга дадил киришдилар. Ғаллаорол, Пахтакор, Гагарин автокорхоналари Уфа нефтни қайта ишлаш, Киров шина, Толдиқўрғон акумулятор заводлари билан ўзаро манфаатли шартномалар тузишди. Акс ҳолда ишлар юришмайди. Тадбиркорлик муносабатларида шерикларни ҳурмат қилишни асосий фазилат, деб ҳисоблайди В. Думлер.

Ишбилармон киши сифатида у Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Германия Федератив Республикасига қилган расмий сафарини астойдил табриклади. Бу сафар натижасида чет эллар билан иқтисодий ҳамкорлик учун янги имкониятлар вужудга келишидан қувонди. Тижоратга чегара писандмас, деб таъкидлашни хуш кўради **у.**

Ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичлар қанча салмоқли ва қамровли бўлмасин, турмушни бутун бўйи басти билан акс эттира олмайди. «Жиззахтранс» бирлашмаси ва унинг раҳбари ҳақида гап кетганда, албатта маҳаллий шароитни ҳам эслатиб ўтиш керак. Гап шундаки, улкан ҳудудли вилоятнинг асосий транспорт воситаси автомобиль ҳисобланади. Усиз кун кечириш амри маҳол. Чунки сон-саноқсиз юкларни ташийдиган бошқа нарса йўқ. Қудратли машиналар тоғ ва чўл йўлларида тиним билмайди. Турли автобуслар эса йўловчиларнинг узоғини яқин қилмоқда.

Катта хўжаликни бошқаришнинг ўзи бўлмайди — ташвиши ҳам катта. Бироқ В. Думлер ва унинг бошчилигидаги маъмурият вазифасини рисоладагидай уддалаяпти. Тўғри, иш бор жойда камчилик ҳам бор, йўловчилардан тушаётган шикоятлар ҳам йўқ эмас. Бундай пайтда зудлик билан чора кўрилади. Интизомсиз ходимни аяб ўтиришмайди. Бу борада Думлернинг қатъий фикри бор. Тартиб ва интизом бўлмаса, биронта ҳам автохўжалик нормал фаолият кўрсата олмайди, давлатга ҳам одамларга ҳам нафи кам деб ҳисоблайди у.

Ҳайдовчи! Манзилга ой бориб, омон қайт! Валерий Константинович бу сўзларни ўзбек тилида гапирганида ҳеч ким ажабланмайди. Чунки у ўзбек тилини она-Ватани — Ўзбекистон Республикасининг давлат тилини пухта билади. Замонавий раҳбар қиёфасига яна бир чизги: Валерий Константинович Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг аъзолигига сайланган. У ишлаб чиқариш фаолияти билан бир қаторда бу вазифани, партиявий бурчини муваффақиятли уддалаяпти. Бошланғич партия ташкилоти ишини жонлантириш, ҳайдовчилар, таъмирчилар, бошқа тоифадаги ходимларни ижтимоий муҳофазалаш масалаларига доимий эътибор бераяпти.

Норбобо ШАКАРОВ,
Икром АҲМЕДОВ.

ОНА ЗАМИН САХОВАТИ

ҚАРШИ ШАҲРИДАГИ МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДА ҚОВУН САЙЛИ

● Куни кеча Қарши шаҳрининг Мустақиллик майдонида вилоятнинг 200 дан зиёд колхоз ва жамоа-ширкат хўжаликларидан келтирилган қовун ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари кўргазмалари намойиш этилди.

Қовун-тарвуз, ширин-шакар узум ва бошқа мевалар минглаб томошабинлар кўригидан ўтди. Айниқса, қовуннинг қадимий амири, бўрикалла, оққайроқ, Мирзачўл, Кўккалапуш, қорақиз каби турли-туман навлари сайл қатнашчиларида яхши таассурот қолдирди.

Қовун сайлида Нишон туманидаги «Пахтаобод» жамоа-ширкат хўжалиги полизчиси, халқ селекционери Ҳакимбобо Усмонов, Касби туманидаги Ҳамза Хўжақулов номли жамоа-ширкат хўжалиги полизчиси Хушвақт Қораев, Қарши туманидаги Энгельс номли жамоа-ширкат хўжалиги полизчиси Эшим Йўлдошев, Косон туманидаги «Андабозор» ижара хўжалиги қовунчиси Норман Хўжаназаров ва бошқалар етиштирган тилими тилни ёрадиган қовун навлари кўпчилик эътиборини тортди.

Вилоят ҳокимияти томонидан ташкил қилинган махсус комиссия қовун сайли якунларини кўриб чиқди. Биринчи ўрин Қарши тумани, иккинчи ўрин Нишон тумани, учинчи ўрин Шаҳрисабз тумани полизчиларига насиб этди. Ғолиб туманларга тегишли совринлар берилди.

Мустақиллик майдонида қовун сайли баҳонасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдо-сотиғи ҳам уюштирилди. Қарши шаҳар аҳолисига 1800 тонна ҳар хил деҳқончилик маҳсулотлари бир неча баравар арзон нархда сотилди.

Сайл карнай-сурнай наволари билан бошланиб, вилоят туманлари халқ дасталари, бадиий ҳаваскорлар дилрабо куй ва қўшиқлари билан якунланди.

Қовун сайлига бағишланган байрам тантаналарида вилоят ҳокими Темир Хидиров, ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Фармон Омонов қатнашдилар.

Мусо КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҳалқаро кўзгу

МИСР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

⊙ Миср Президенти Ҳусни Муборак 4 нафар ислом ақидапарастини ўлим жазосига ҳукм қилди.

«Ассошиэйтд пресс» ахборот маҳкамасининг хабарига кўра, улар ҳукуматга қарши террорчилик ҳаракатида, қимматбаҳо молларни ўғирлашда айбланмоқдалар.

26 нафар ақидапарст мамлакатда яқинда жорий этилган ўлим жазосига ҳукм этилган эди. Ҳозиргача улардан 14 нафарига нисбатан жазо ижро этилди.

ДЕПУТАТЛАР МАҲФИЯГА АЛОҚАДОР

⊙ Американинг марказий разведка бошқармаси хабарига кўра, Покистон марказий парламентининг айрим депутатлари гиёҳвандлик моддалари билан савдо қилувчи мафияга алоқадор.

Улар орасида мамлакат Вазирлар Маҳкамасининг 3 нафар собиқ аъзоси бор. Разведка бошқармаси тўплаган рўйхатнинг бошида собиқ вазир Айюб Африди турибди. Унинг жинояткорона фаолияти ҳукуматга маълум, фақат қонунларнинг мукаммал эмаслиги уни хавфдан асраб қолмоқда.

Ўтиш даври ҳукумати раҳбарлари гиёҳвандлик моддалари билан савдо қилувчиларга нисбатан ўлим жазосини жорий қилган эдилар. Ҳозир у умрбод қамоқ жазоси билан алмаштирилган.

ЭРОН ҚЎИИЛАЁТГАН АЙБНИ РАД ЭТМОҚДА

⊙ «Аш—Шарқ Аль Ауаст» газетасида чоп этилган «Ироқнинг нефть маҳсулоти бошқа мамлакатларга Эрон ҳудуди орқали ташиб кетилмоқда» деган айбни Эрон рад этди.

Эрон нефть вазирлигининг раддиясида айтилишича, бу сиёсий айбнома Эроннинг обрўсига путур етказиш мақсадида тарқатилган. Ислом Республикаси Ироққа қарши қўлланилаётган барча иқтисодий жазо чораларига қатъий амал қилмоқда, дейилади ҳужжатда.

ҚОНУНШУНОСЛАР ФИКРИ

⊙ ВАШИНГТОН. Америка Қўшма Штатлари маъмурияти Вьетнам билан савдо-сотиқ соҳасига 18 йил бурун жорий этилган таъқиқни бекор қилиши керак.

Ҳаной сафаридан қайтиб келган бир гуруҳ америкалик қонуншунослар Президент Билл Клинтон номига мактуб йўллаб, шу фикрни маълум қилдилар. Уларнинг ёзишича, мазкур мамлакатга нисбатан иқтисодий чеклашларни бекор қилиш ҳинди-хитой уруш йилларида бедарак кетган америкалик аскарларнинг тақдирини ойдинлаштириш имконини беради.

ИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ ЧОРАЛАРИ

⊙ ТОКИО. РАТА—ТАСС мухбирининг хабар беришича, Япония ҳукумати махсус кенгаши миллий иқтисодиётни жонлантириш юзасидан қатор шошилинч чоралар кўрди.

Ижтимоий таъминот масалаларини яхшилаш, савдо-сотиқ, ер ижараси, ташқи ва ички солиқ сиёсати сингари қатор йўналишларда давлат чеклашларини юмшатиш шулар жумласидандир. Бош вазир Морихо Хосокава мазкур чораларни амалга ошириш учун 6,15 триллион иен (58,5 миллиард долар) миқдорида маблағ ажратди.

ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНАВЕРАДИ

⊙ ПЕКИН. Хитой Компартияси Марказий Комитетининг сиёсий бюроси аъзоси Пяо Ши Вьетнам компартияси делегацияси билан Пекинда бўлиб ўтган учрашув чоғида шундай деди.

Ҳозирги Хитой—Вьетнам муносабатларини юқори баҳолар экан ҳамма соҳаларда, жумладан, партияларо алоқалар борасида ҳам икки томонлама ҳамкорлик бундан кейин ҳам ривожланиб бораверади, деб умид билдирди.

ҲИНДИСТОН КЎМАГИ

⊙ ДЕҲЛИ. Ҳиндистон МДҲ мамлакатларига сайёҳлик ва меҳмонхоналар бизнесини ривожлантиришда яқиндан кўмаклашади, деди мамлакатнинг фуқаро авиацияси ва сайёҳлик ишлари вазири Ғулом Наби Озод.

У 10 кунлик расмий сафар давомида Россия, Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Туркманистонда бўлиб қайтди.

Сафар давомида Алмати, Ашгабат ва Бишкек билан Деҳли ўртасида самолёт қатновини йўлга қўйиш тўғрисида битимлар имзоланди. Бундай битим Ўзбекистон билан анча илгари имзоланган эди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

анжуманлар воқеалар хабарлар

ТИНИБ-ТИНЧИМАС КИШИ

● *Ишбилармонлар бор бўлсин*

Комилжон Фозиловда нжодкорлик қобилияти азалдан бор. Қуйида унинг қишлоқ хўжалигида яратган янгилиги ҳақида сўз юритмоқчимиз. Бинобарин, у таклиф этаётган янгилик оддий ва содда.

— Бу пахтага дармон, соғлиққа — безиён шарбат оқизиш усулидир. Ҳа, далага компост—шарбат оқизиш билан сувни тежаш, уни ифлослантирмаслик мумкинлигини ким билмайди дейсиз! Аммо бу ерда яна бошқа сир ҳам бор-да!

— Комилжон ака, пахтачилик соҳасига киритган ушбу янгилигингиз афзаллиги нимада? — сўраймиз ундан.

— Таклифим шундайки, ер чигит қадалгандан кейин бир неча кун ўтгач компост—шарбат оқиздириб суғорилади. Компост деганда, айрим хўжалик раҳбарларидек, суюлтирилган гўнгни тушунмаслик керак. Бунинг махсус тайёрлаш технологияси бор. 20 тонна суюқ маҳаллий ўғитга 150 килограмм калий, 200 килограмм аммофос қўшилади, 6 ойча бетон ҳовузда димланади (ҳовузни бевосита дала бошида ҳам қуриш мумкин). Калий солишдан мақсад — ўсимлик гулини тўкмай, мева тугиши учун бўлса, димлаб узоқ вақт сақлашдан мақсад — ўғит таркибидаги бегона ўт уруғларини чиритишдир.

Экин бундай усулда парваришланганда, биринчидан, селитрага ўхшаш кимёвий ўғитларни гектар бошига тонналаб солишга эҳтиёж қолмайди. Ундан бутунлай воз кечилади. Бу — тупроқ заҳарланишининг олди олиниши, демакдир. Гектар бошига бир тоннадан компост-шарбат оқиздирилиб юқори ҳосил олинади.

Иккинчидан, тупроқ таркиби юмшоқлигича тураверади. Бу эса ғўзанинг чуқур илдиз отишига имкон яратади ва унинг томири ерда кўпроқ озиқ, нам олишини таъминлайди. Тупроқдаги намнинг буғланиши камаяди, чувалчанглар кўпаяди. Учинчидан, ғўза майдони ёмғир ёққанда ҳам, суғорилганда ҳам қатқалоқ бўлмайди. Культивацияга ҳожат қолмайди ва шу туфайли тракторнинг камроқ кириши натижасида тупроқ зичлашиб кетмайди.

Аслида культиватор агрегатлари ерни ҳаддан зиёд чангитади. Тупроқдан кўтарилган чанг ғўза баргларига ёпишиб, уни ифлослантиради. Натижада ниҳоллар тоза ҳаво ололмайди. Ғўза япроқларининг ифлосланиши ва ривожланмаслигидан турли ҳашаротлар кўпаяди.

Тўртинчидан, экинларни ариқ суви ўрнига ер ости заҳоб суви билан бемалол суғораверish мумкин. Лекин майдонда жўяк узунлиги олтмиш метрдан ошмаслиги, ер ости сувларини тортиб берувчи насослар ўрнатилиши керак.

Муҳими, бу усул қўлланганда ҳосил эрта — август ойининг иккинчи ярмида пишади. Пахта толаси ҳам бирмунча сифатли бўлади. Хуллас, бу усулга Ўзбекистонда ёппасига ўтилса борми, қанча ишчи кучи, қанча маблағ тежалган бўларди.

Комилжон аканинг тупроқни тоза сақлаш ҳамда пахтакор меҳнатини енгиллаштириш йўлида қилаётган саъй-ҳаракатида жон бор. Чунончи, муаллиф бу соҳада ўн йиллар мобайнида етарли тажриба тўплаган. Бултур Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги А. Икромов номли жамоа хўжалигида тажриба олиб борилган майдонларда ҳосилдорлик анча ортган. Пахта толаси ҳам бирмунча сифатли бўлган. Ғўзанинг ашаддий кушандалари — вилт касаллиги, кўсак қурти ва бошқа зараркунандалар экинга йўламагани учун пахта майдонини кимёвий дорилашга ҳожат қолмаган. Сув ҳам тежалган.

Атрофимизда бундай жонкуяр кишилар кўп. Улар табиат ҳодисаларига, жумладан ўсимликлар дунёсига синчковлик билан назар ташлайдилар. Нималарнидир қиёслайдилар, ҳатто ўзига хос тажрибалар ўтказишдан эринмайдилар. Тиниб-тинчимас бундай кишилар одамларга наф келтириш билан завқланадилар. Комилжон Фозилов ҳам шундай изланувчан кишилардан бири.

Зоҳиржон ҲАЙДАРОВ.

ШИРКАТ УСУЛИ АФЗАЛЛИГИ

Ўзбекнинг хонадонига меҳмон келса, дастурхонида даставвал нон ушатилади. Сабаби, нон — бизнинг қалбимиз, меҳмонга нисбатан самимий туйғуларимиз, ҳурматимиз меҳвари ва қолаверса ўзбекнинг тантилиги ифодаси.

Аммо истиқлолимизга қадар ана шу неъмат яратувчилари ҳақида ўйламадик. Деҳқоннинг серёғин эрта кўкламидан, саратоннинг жазирама иссиғидан, қиш-қировли йилнинг қаҳратон совуғигача даладаги машаққати-ю «иссиқ-совуғи» билан, ҳисоблашилмади. Не ажабки, энди фаҳмлаяпмиз; истиқлолимиз қалқони, иқтисодий мустақиллигимиз, келажагимиз дон-дунимиз борлигига, ғалламиз кўплигига боғлиқ экан.

Акром Қораев — танти, суяги ғаллазорда қотган ишбилармон инсон. Қолаверса, Ғаллаорол райони Амир Темур ширкат хўжалиги раиси. Хўжалик оқсоқолларининг таъриф беришича, «Дастурхондаги нонни кўрсак, кўз олдимизга Акром келади». Ҳа, дарвоқе бу йил у бошлиқ ширкат хўжалиги давлатга 2500 тонна дон топшириб, бу борадаги йиллик режани 160 фоизга уддалади. Бунинг устига ўримни ўтган йилгидан бир ой олдин вилоятда биринчилар қатори тугалланди. Қойил!..

— Биласиз, ғаллаоролликлар азал-азалдан ғаллага ўз меҳрини бериб келган, — дейди Акром ака. — Буларнинг ҳар бири ғалланинг давлатимиз иқтисодидаги ўрнини қалбан ҳис этади. Шунинг учун ҳам бу йил хўжалигимиз ғалла майдонларини яна 300 гектарга кенгайтирди.

Хўжаликда деҳқон фермерларга ҳам эътибор яхши. Айни кунларда 6 та фермер хўжалик фаолият кўрсатаяпти. Фермерларнинг аксарият қисми Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари эканини ҳам таъкидлаш керак. Улар ғунажинлардир. Шартнома бўйича бир йилда хўжаликка 20 тонна сут, бир тонна гўшт топширишим керак. Мана, йилнинг биринчи ярмидаёқ кўрсаткичларни 70 фоизга уддаладим.

Чунки менда барча шарт-шароит етарли. Хўжалик томонидан етти гектар ер, «Т—28» маркали трактор ажратилган.

Маълумки, ҳозирги давр— ишда ибрат кўрсатишяпти.

— Дастлаб фермерликнинг нима эканлигига яхши тушунмай таваккалига иш қилганман, — дейди ХДП аъзоси, деҳқон-фермер Жўравой Пармонов. — Энди тушунаяпман, фермерликнинг келажаги порлоқ экан. Чунки менга берилган молларга худди ўзимникидай қарайман. Ва юқоридан туриб ҳеч ким менга кўрсатма бермайди. Ўз тажрибаларимга таяниб иш кўраман. Натижалар чакки бўлмаяпти. Бир томондан давлат манфаат кўрса, иккинчи томондан оила аъзоларим даромади ортяпти.

Айни кунда қарамоғимда 25 бош қорамол бўлиб, шундан 10 таси соғин сигирлар, қолганлари 1—1,5 яшарли кичик ва қўшма корхоналар замони. Улар бозор талабига тез мослашиб, қисқа вақт мобайнида зудлик билан ишлаб чиқаришни ўзгартириб, аҳоли эҳтиёжи учун энг зарур харидоргир маҳсулот тайёрлашни йўлга қўя олади. Хўжалик маъмурияти ана шуларнинг ҳисобига янги иш ўринлари очиш мақсадида кичик корхоналар ташкил этишга катта эътибор бермоқда.

— Кичик корхоналар аҳоли учун энг зарур маҳсулот ишлаб чиқаришга тез мослаша олиши билан эътиборли, — дейди хўжаликнинг савдо-сотиқ ва тадбиркорлик ишлари бўйича раис муовини Абдуҳамид Норматов. — Биз кичик корхоналаримизни ана шу таҳлитда ташкил этдик. Дурадгорлик цехида йилига 150 дона эшик-дераза ясалса, ғишт қуйиш цехида кунига 500 дона сифатли ғишт тайёрланади. Булардан ташқари тўр сим тўқиш, кийим-кечак тикиш, ускуна ясаш, ёғоч қирқиш, мойжувоз, ун-ем тегирмонлари фаолияти ҳам йўлга қўйилган.

Хўжаликда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида, қишлоқлар ободончилиги учун талайгина кўзга кўринарли ишлар амалга ошириляпти. Қашқабулоқ, Обуз, Қорағўйли, Тутли қишлоқларида ичимлик суви, табиий газ муаммо эди. Эндиликда вилоятнинг «Оби-ҳаёт» бирлашмаси 21 километр узунликда сув қувурлари ётқизиш ишларини тугаллаш арафасида турибди. Жиззах шаҳрининг бешинчи махсус қурилиш колоннаси мазкур қишлоқларга газ қувурлари ҳам тортмоқда. Бу ишларнинг ҳаммаси ширкат хўжалиги ҳисобидан қуриляпти. Эндиликда хўжаликдаги 16 қишлоқдан 10 таси тўлиқ газлаштирилди. Қолганлари йил охиригача газлаштирилади.

Хуллас, Президентимизнинг аҳолини бозор иқтисодий қийинчиликларидан эсон-омон олиб ўтиш ҳақидаги йўл-йўриқлари хўжаликда амалда қўллаб-қувватланмоқда. Шу тариқа ширкат хўжалиги аъзоларини ижтимоий жиҳатдан ишончли ҳимоя қилиш тадбирлари дастлабки самараларни бера бошлади.

Шароф СУЛТОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Жарқўрғон туманидаги Тўхта Шабуров номли хўжалик аъзолари Сурхондарёда биринчилардан бўлиб пахта йиғим-теримини бошлаб юборишди. Хўжалик пахтакорлари бу йил 1100 гектар майдонга «Юлдуз» навли чигит экишган эди. Ҳозир ҳосил чўғини чамалаб кўрган заршунослар ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил кўтаришни мўлжал қилишяпти.

Айни пайтда бу ерда кунига 1600 теримчи 100—120 килограммдан пахта тераяпти. 16 нафар механизаторлар ҳам ўз терим агрегатлари билан ҳосилни йиғишга жалб қилинган.

СУРАТДА: илғор теримчи Турсуной Йўлдошева.


Н. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.



• *Юрт ўғлонлари*

ЖАРРОҲНИНГ ОЛМОС ҚАЛБИ

Бағри кенг, ҳотамтой йигитларни Сурхондарёда минг қўйли бойларга ўхшатишади. Термиз шаҳар шифохонасининг бош ҳакими Қувондиқ Мадартов ҳам шу фахрга сазовор раҳбарлардан.



Айтиш керакки, бу сифатлаш Мадартовга тўғри маънода ҳам мосдир. Расмий маълумотларни варақлаб чиқсангиз, воҳадаги бир қатор биноийдай-биноийдай хўжаликлар яйловимиз йўқ, донимиз кам деган важлар билан қўйни, паррандани пароканда қилиб қўйганини кўрасиз. Ана шундай шароитда Мадартов ёрдамчи хўжаликда бир ярим мингта қўй қилди., Чўпонларнинг ғамхўрлигини айтинг. Чўпон оиласида ўсган эмасми, бошқаларга кўнгли тўлмай, сурувларидан ўзи тез-тез хабарлашиб туради. Ва ҳар гал чўпоннинг ҳузурига тўлиб-тошиб боради. Шаҳарга келган чўпонни кабинетининг тўрига ўтказиб, иссиқ чой билан сийлайди.

Вақти-вақти билан у одамларига юзта-икки юзталаб қўй сотишга қарор беради. Хасислиги, қимматфурушлиги йўқ. Лекин ҳотамтойликни ҳам эви—йўриғидан оширмайди. Масалан, қўйни одамларга бозор нархидан уч баравар арзонга пуллайди. Тўйи бор, маъракаси борларга эса имтиёз алоҳида.

Шифохонанинг 100 гектарча ери бор. Сабзавот, полиз етиштирилади. Асаларичилик хўжалиги, тикувчилик цехи, сартарошхонаси, шахсий автомобилларни таъмирлаш корхонаси бор. Ҳаммаси шифохона бюджетига, шифохона дастурхонига хизмат қилади. Яхши билганлар Мадартовни бир кеча-кундузда йигирма беш соат ишлайди, дейишади. Бу—муболаға эмас. Ҳар куни тонг азондан, аниқроғи, эрталаб соат бешдан ишга келади. Касби — жарроҳлик. Заруратнинг зўрлигиданми ёки ўзи зўр бўлгани учунми, юракка, ҳатто, мияга кўз юмиб «тушаверади». Ишга эрта келишнинг маъноси шундай: бемор уйқудан уйғониши билан операция тўшагига ётқизилмоғи, унинг шубҳаю ваҳималарга берилишига имкон қолдирмаслик керак. Беморнинг асаби бардош берса бўлди, қолган муаммо унга тегишли. Бунинг устига соат саккиздан (иш куни бошланадиган вақтдан) сўнг қиладиган ишларга улгурмоқ керак.

У тўртта хорижий тилни билади. Бир гал Термизга Англиядан ишбилармонлар келишди. Уларнинг вилоят раҳбарлари билан музокараларига тилмочлик қилганини кўриб, кўплар Сайхон яйловларида ўсган бу бола Хизрга йўлиққан чиқар, деган гапни кўнгилларидан ўтказишди. Тил билиш, тиб сирларини билишдан ташқари унинг халқ анъаналарига, тарихига, нақл-мақолларига ихлоси баландлигини айтинг. Энди унинг «Ҳисобли дўст — айрилмас» деган нақлга муносабатини кўринг: иккита-учта палатага ҳавас қилса арзигудек шарт-шароит яратди. Буни кўриб айримлар, бу жой Сочидаги санаторийларнинг «люкс» хоналаридан ҳам зўр экан, дейишди. Ҳазилкашроқ бир одам бўлса, Мадартовнинг шифохонасига келсам, касал бўлгиларим (шу ерга келиб ётгим) келаверади, деб кулди.

Бу мақтовлардан у «эриб» кетмайди. Бу палаталар бировга хушомад учун жиҳозланмаган. Бу — пулли палата. Бу палата шифохона ҳисобига озгина (масалан, ойига бир ярим минг сўмча) пул ўтказишдан қочмаган одамники, дейди.

Бир ярим-икки минг сўм нима бўпти. Тан-жони соғайиб кетган одам кўп ўтмай яна шифохонанинг остонасини ҳатлайди. Давлатимдан сийлов, деб кимдир телевизор, кимдир гилам ёки холодильник олиб келади. Сийловни, табиий, унга тоширадилар. Мадартов бу масканнинг чўпига хиёнат қилса-чи. Кейинги икки йилда шифохонага 22 кондиционер, 17 холодильник, қанчадир гилам тушди. Ва ҳаммаси шифохонанинг жиҳозлар китобига ёзиб қўйилди. Ҳа, асли одамлар йигитни «минг қўйли бой» деб улуғлаганда қўйларини эмас, асли унинг назари тўқлигини, қаноату, сабр-бардошини, ҳалоллигини ҳисобга олишар.

Гап орасида унча-мунча зарбга бурни қонамаслиғини айтиб қолди.

— Оғир вазнлилар билан тенгма-тенгига олишган ўрта вазнли боксёрнинг бурни қонамайдиган бурун бўлади-да, мавлоно, — деб ҳазилга олди бу гапни гурунгда ҳозир бўлганлардан бири.

— Ринг — ҳалол майдон, — дейди унга жавобан Мадартов. — Ҳеч бўлмаганда рақибининг вазнини кўз олдингда ёзиб қўйишади. Ҳаётда-чи? Бошқачароқ...

— Ўша ринг саргузаштларидан икки-уч лавҳа баён қилсангиз, — дейман мен қайси рингни назарга олаётганимни ўзим ҳам тушунолмай.

— Докторликни ёқлаб олайлик... Кейин. Ҳар бир кунимиз бир китобга ўхшайди. Шеър битолмаслигимга кўзим етади. Лекин нималарнидир ёзгим келаверади. Биргалашиб ёзармиз. Фақат кейинроқ...

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БИР ДЕҲҚОНГА НЕЧА РАИС КЕРАК?

Албатта бир хўжаликка битта раис бўлади, дейсиз. Биз ҳам шундай фикрдамиз. Аммо Оқдарёдаги «Кумушкент» давлат хўжалигида бошқача аҳволга дуч келинди.

Аввал ундаги бошқарув тизимида 56 киши банд эди. Совхоз учга бўлиниб, мулкчилик шакли ўзгаргач эса «катта»лар сони 37 кишига кўпайиб 93 нафарга етди.

Пировардида деҳқонга қийин бўлди. Қайси бир раҳбарнинг қош-қовоғига қарасин бечора! Лекин ҳамма жойда ҳам шундай эмас. Ана шунақа, кимдир идорада ўтириб «каттачилик» қилиш билан, кимдир халқ фаровонлигини ошириш билан банд.

Фармон ТОШЕВ.

ҲАММАСИ ХЎЖАЛИКЛАР ҲИСОБИДА

Қамаши туманида янги ўқув йили олдидан бир йўла 9 та мактаб қуриб битказилди. Уларда 6 минг 58 нафар ўғил-қиз таълим ола бошлайди. Мактабларнинг ҳаммаси хўжаликлар маблағи ҳисобидан қурилди.

— Мустақилликнинг икки йиллик байрами арафасида бошқа объектлар ҳам фойдаланишга топширилмоқда, — дейди район ҳокими Р. Бозоров. — К. Маркс номли давлат хўжалигида 280 ўринли болалар боғчаси, туман марказида шохбекат, Қамаши шаҳрида савдо маркази қурилди. 105 километрга табиий газ, 95 километрга водопровод тармоғи тортилди, 61 километр йўл асфальтланди.

Мусо КАРОМОВ.

Дарё сувини баҳор тоширади,
Одам қадрини меҳнат оширади

деган нақлда катта ҳикмат бор. Гап шундаки, илҳом билан, маҳорат билан қилинган меҳнат ҳар бир касб эгасининг эл-юртга таниқли бўлишига ёрдам беради.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, халқимизда эркакдир, аёлдир қозонга уннамайдигани йўқ ҳисоби. Лекин қозон қайнатишда ҳам кўп ҳикмат, сир-асрорлар бор. Ошпазликни касб деб ҳисоблаган, бу жабҳада муттасил шуғулланган, маҳоратини ошириб борганларгина эл олқишига сазовор бўлади.

Куни кеча Тошкентда бўлиб ўтган мамлакат ошпазлари, қандолатчилари, официантларининг кўрик-танлови ғолиблари ҳам ўз тажрибалари-ю маҳоратларини кенг намойиш этдилар.

СУРАТДА: кўрик-танлов қатнашчиси жиззахлик ошпаз Саъдулла Алиев. У тайёрлаган анвойи таомлар кўпчиликка манзур бўлди.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.



• *Шатранж оламида*

ИСКАНЖАГА ОЛИШНИНГ ХИЛИ КЎП

Лондонда ўтаётган баҳснинг 24 учрашувидан атиги тўрттаси ўйналиши билан унинг якуни англиялик 28 ёшли гроссмейстер учун кўнгилсиз бўлиши билиниб қолди. Найжел Шорт қанчалик салоҳиятли жангчи бўлмасин тождор зарбаларига чидаш беролмаяпти.

Учинчи партияда испанча ўйин қўлланиб, оқ доналарни сурган Гарри Каспаров марказий хоналарга тазйиқ кўрсатишдан вақтинча ўзини тийгандек сезилди. Кўпгина сипоҳлар муайян тарзда саф тортгач оқлар шоҳи биқинидаги пиёдани аста бир хона олға суриб, мухлису мутахассисларни ҳайрон қолдирди. Ўта билимдонлар ҳам бу юришнинг мағзини чақолмай турганда, Каспаров шохини қора доналар ҳужуми остида қолдириб, чап қанотда фаол ҳаракатларни бошлаб юборди. Ҳисоб-китоб юритиш борасида ниҳоятда чапдастлик кўрсатган жаҳон чемпиони рақиб ҳамлаларини даф этибгина қолмай, охири моддий устунлигини ҳам сақлаб қолди. Салкам олти соатлик «жанг» унинг фойдасига ҳал бўлди.

Чамаси бу яқин йиллар орасида унга бас кела оладиган шахматчи топилмайдиганга ўхшайди. Мутахассисларнинг фикри шундай. Тўртинчи партия бу фикрни тасдиқлади. Сицилианча ҳимояда Каспаров ўзига ортиқча эрк бериб, узоқ вақт шоҳини марказда қолдирди. Оқлар ҳужум чизиғи барпо қилишда батартибликка риоя қилиш ўрнига рақибга қарши имкониятлар туғдириш учун йўл қўйди. Бунга «суяги йўқ» Каспаров шоҳини рокировка қилиб олгач доналарни шундай қулай алмаштириш чорасини кўрдики, натижада унинг моддий устунлиги ҳарифига таслим ишорасини қилишга мажбур этди. Матч бошланмасдан олдин «чемпионни у қилвораман, бу қилвораман» деб жар солган Шорт энди ҳамюртларидан хижолат чекиб турибди. Аммо осонликча жон бераётгани йўқ. Ютқазсада чиройли ўйинлари билан мухлислар кўнглини овлаяпти.

Зеро, бешинчи партиядан кейин Каспаров мавқеини (4:1) янада яхшилади.

Гроссмейстер бу катта уста дегани. Лекин уларнинг ҳам каттароғи бор, бу «вельтмайстер», яъни тож эгаси ва унга талабгорлар. Улар орасидаги фарқ шундан иборатки, кейингилари унча-мунча хавф-хатарни писанд қилмайдилар, зеро мураккаб ҳисоб-китоб юритишда энг юксак даража соҳиблари иқтидор кучига таянадилар ва унинг уддасидан чиқадилар.

Голландиядаги иккинчи матч иштирокчилари тенгқур, фаолиятини бир вақтда бошлаган. Аммо эришилган муваффақиятлар қанчалик улкан бўлмасин бир-бирига таққослаганда Тиманнинки Карповнинки қаршисида хира тортгандай бўлади. Айнан ушбу баҳсда эса голландиялик гроссмейстер деярли баб-баравар «жанг» қиляпти, десак арзийди. Чунончи учинчи партияда Тимман позициявий жиҳатдан кенг қамровли афзалликка эришиб, рақибини исканжага олди. Бироқ вужуди билан ҳимоя чораларини топаётган ҳарифи қаршиликни чўзар, бу эса унинг асабларини таранглаштирарди. Бу ҳолда мувозанатнинг бузилиши натижага таъсир ўтказмай қўймайди, албатта.

Карпов исканжадан чиқиб кетди. Ўйин дуранг бўлди. Тўртинчи учрашувда эса ҳарифлар тезгина битимга келдилар, чунки чарчаган эдилар. Бешинчиси ҳам худди шундай натижа берди. Ниҳоят, олтинчисида 45 юриш бўлди. Бунда ҳам голландиялик фарзин гамбитининг шубҳалироқ кўринишларидан бирини танлади. Аммо қаттиқ ҳозирлик кўрган Карпов рақиб шоҳига шунчалик шиддатли тазйиқ ўтказдики, у нечоғли қаршилик кўрсатмасин, мағлубиятдан қутулиб кетолмади. Еттинчи ўйинда битимга келишилгач, ҳисоб москвалик гроссмейстер фойдасига 4:3 бўлиб қолди. Баҳслар давом этяпти.

М. МУҲИДДИНОВ,
халқаро ҳакам.

Онажоним, шеърият

Ориф ОДИЛХОНОВ

...ЧЎҚҚИЛАРДАН ОШИБ ЎТГУМ



Ориф Одилхоновнинг асл касби агроном-иқтисодчи. Ёшлигидан шеърлар ёзади. Биринчи шеъри ҳали ўқувчилигидаёқ матбуотда босилганди. «Баҳор атри», «Тоғда бир чашма», «Қўшиқ куйласам», «Сўнмагай севгим», «Умид юлдузлари», «Она ер меҳри» каби шеърий тўпламлар муаллифи.

Унинг шеърлари қўшиқ бўлиб халқимизнинг атоқли санъаткорлари ижросида кўнгилларни мафтун этганига ҳам кўп бўлди. Шоир хонандалар тилига кўчган шеърлари билан бирга янги битикларини Сиз азиз муштарийларга илинди...

СЕНИ КУТГАЙМАН

Тоғларим бағрида аста эриб қор,
Лолалар очилиб, кулганда баҳор.
Булбуллар гулларга муҳаббат изҳор —
Этганда интизор — сени кутгайман.

Бодомлар кўпириб гуллаган маҳал,
Табиат ўзи ҳам куйлайди ғазал.
Кезганда боғларни шунда, эй гўзал,
Васлингга бўлиб зор сени кутгайман.

Қанчалар ёқимли баҳор шамоли,
У ҳам ўтиб кетар хаёл мисоли.
Ҳеч қайси тоғда йўқ Чотқол жамоли,
Тоғларим кезиб, ёр, сени кутгайман.

БОДОМ ГУЛЛАРИ

Очилди қийғос ўлкам баҳорин,
Эрка дилбари — бодом гуллари.
Чертади майин бу юрак торин,
Боққанинг сари бодом гуллари,

Гулга бурканди дала, боғларим,
Тушар ёдимга ёшлик чоғларим,
Чорлагай, эркам, сени тоғларим,
Сўқмоқ йўллари, бодом гуллари.

Йўлларга боқдим интизор бўлиб,
Соғиниб, қўмсаб ҳам бедор бўлиб.
Тўкилди бир-бир мисли қор бўлиб,
Ҳижрон тунлари бодом гуллари.

Кездим тоғларни сени сўроқлаб,
Сен севган бодом гулин ардоқлаб.
Орифо, ажаб учар йироқлаб,
Хаёл сингари бодом гуллари.

ИШҚИНГ ДАРДИ

Ишқнинг дарди менда-ю, давоси сенда,
Азоби жон менда-ю, сафоси сенда.

Бахт қушини ахтариб қайга бош урай,
Бахтимни ҳам азалий ҳумоси сенда.

Кўйингда ўртаниб бу кўнглим ёришмас,
Кўнглим равшан чароғи зиёси сенда.

Таскин излаб, эй, гўзал, кимга роз айтай,
Шовуллаб оққан меҳри дарёси сенда.

Ишқ вафо ҳам ҳижрондан қўшиқ тингласанг,
Шан қўшиқлар менда-ю, вафоси сенда.

Балки Ориф куйламас эди ёнибон,
Куйлатган уни севган навоси сенда.

ЎТМАС ҲЕЧ ҚАЧОН

Ойлар ўтар, йиллар ҳам ўтар,
Муҳаббатим ўтмас ҳеч қачон.
Ўртаб-ўртаб ғам-алам ўтар,
Муҳаббатим ўтмас ҳеч қачон.

Баҳор келиб кетар неча бор,
Неча бора ёнар лолазор,
Ўтар ҳар йил турналар қатор,
Муҳаббатим ўтмас ҳеч қачон.

Ҳасратингда сарғайди юзим,
Хазон бўлди чидам ва тўзим,
Айтсам сенга охирги сўзим,
Муҳаббатим ўтмас ҳеч қачон.

ЭЙ, САНАМ

Эй, санам, ҳеч бир гўзал,
Сен каби дилдор эмас.
Юзлари раъно мисол,
Кўзлари хумор эмас.

Айладинг бир-бир боқиб,
Ихтиёримдан жудо.
Сен дебон субҳи-сабоҳ,
Ёнганим асрор эмас.

Куйладим булбул бўлиб,
Гул юзингни шавқида.
Бўлмаса булбуллари,
Гул эмас, гулзор эмас.

Доимо боқдим сени,
Йўлларингга интизор.
Бахт эрур васлинг менга,
Узга бахт даркор эмас.

Орифо, жоним фидо,
Айлагум сен ёр учун,
Ёр учун жонин фидо,
Этмаган ёр—ёр эмас.

СЕНГА ИШҚИМНИ САНАМ...

Сенга ишқимни, санам, мен дилда пинҳон сақладим,
Абрдек дардим аро шами шабистон сақладим.

Кўзларинг куйдиргудек боққанда жоним қасдига,
Кипригингни соясида бир нафас жон сақладим.

Ақлу ҳушимни олиб, ҳуснинг нури, э, қоши ё,
Арзи ҳол айтолмайин кўнглида армон сақладим.

Тунларим тонгга уландиким ёр хаёли васли-ла
Куйласам, эл тинглагудек шеъру достон сақладим.

Орифо, сеҳр айлабон ганжинаи ишқинг сени,
Тоғ этиб бағримни, унда бир важиб кон сақладим.

* * *

Ота-онадан, эй фарзанд, азиз одам тополмайсан,
Дили, жони сенга пайванд, меҳри хотам тополмайсан.

Аларнинг иззатин қилғил то ёнингда экан доим,
Кўзини юмса оламдан, кезиб олам тополмайсан.

Не азобу уқубатлар чекмадилар сени дебон,
Қариган чоғида хўрлаб, этма мулзам, тополмайсан.

Беодоб, беҳаё бўлсанг эл олдида юзи шамгун,
Куйиб пинҳона йиғларки, анга малҳам тополмайсан.

Орифо, эл ҳикмати бу ота-она давлатингдур,
Алар бирла ўтар дамдин, яхшироқ дам тополмайсан.

КУЙЛАДИМ

Э, Она халқим сенинг қудратингни куйладим,
Номинг достондир оламга ҳурматингни куйладим,

Яшнаган бўстонларинг, гулбоғларингни тенги йўқ,
Мардлигу ғайратда топган шуҳратингни куйладим.

Тинмайин бахтингни ўйлар жон фидо юртбошимиз,
У билан бўлган самимий суҳбатингни куйладим.

Кўп шаҳар, кўп қишлоғингга кўп саёҳат айлабон,
Таърифи сўзларга сиғмас меҳнатингни куйладим,

Орифо, завқим ошиб, бу иқболингдан ушбу кун,
Мақсади тинчлик, улуғвор давлатингни куйладим.

ЙЎҚОТМАЙМАН

(ЧЎЛПОНГА ЖАВОБ)

Мен ўзимни аранг топдим алдовларда йўқотмайман,
Вулқон бўлиб отилгайман, совуб яна тошқотмайман.

Йўлни бурдим баландликка, чўққилардан ошиб ўтгум,
Хонларга эргашиб мен энди ботқоққа ботмайман.

Сажда қилгум шу халқим деб, шу Ватанга фидо жоним,
Танимни минг бўлак қилсанг, қўлим ёвга узотмайман.

Насибам бор, куним ўтмас гадой мисол қўлга қараб,
Сохта ширин сўзлар учун томдан ўзимни отмайман.

Неча йиллар алам чекиб, юрак-бағрим эзилгандир,
Ортга қайтиб, у замонлар алам-андуҳин тотмайман.

Орифо, гул боғларимнинг бағрида гул ҳаёт қайнар,
Куйласин шўх булбуллари, қузғунларни йўлотмайман.

ҚАЙГА ЙЎЛ

(НАВОИЙГА НАЗИРА)

Қайга йўл олсам агар йўлдан адашиб бораман,
Дил очиқ, чеҳрам очиқ, аммоки бахти қораман.

Қоплабон бағрим бутун бир лаҳза шодон бўлмадим,
Ул қуёш нурига зор дийдор учун бечораман.

Қайга бу бошим урай ёр меҳрибоним бўлмаса,
Шул сабаб Машраб каби бағри дили садпораман.

Не қилай жафо чекиб юрдим ҳаёт жондин тўйиб,
Мен рози бўлгум қани келса қазо мардонаман.

Орифо, йиллар ёруғ, яхши замонларни кутиб,
Қийматим йўқдир бу кун гарчи асл дурдонаман.

ҚИШЛОҚ КИЧКИНТОЙЛАРИ - ҚУВОНЧИ

Юртимизда мустақилликнинг икки йиллиги байрами нишонланаётган кезларда Ўзбекистон туманида ҳам ўзига хос воқеа бўлиб ўтди.

Бу ерда келажаги буюк давлат — Ўзбекистоннинг келажаги бўлган болаларга ғамхўрлик кўрсатилди. Тумандаги 95-хўжаликлараро механизациялашган қўшма колонна бунёдкорлари байрам совғаси қилишди. Улар Азизов номли жамоа хўжалигининг Дўнгқишлоқ кичкинтойларига қувонч улашдилар. Кўркам ва бежирим, жами 140 кичкинтойга мўлжалланган боғча тантанали суратда фойдаланишга топширилди. Боғчани болаларга туҳфа қилиш чоғида вилоят ҳокими М. Исломов йиғилганларни қувончли воқеа билан қутлаб, тарбиячиларга муваффақият тилади. Қишлоқ оқсоқоллари ва туман ҳокимлиги вакиллари ҳайрли иш учун миннатдорчилик билдирдилар.

С. ҲАЙДАРОВ.

Ўзбекистон овози

ЖАРЧИНОМА

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ НИШОНЛИ ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ 1993 йилги мақсадли аспирантурага ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ахборотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:

Тошкент шаҳри, ГСП, Қори-Ниёзов кўчаси, 39-уй, аспирантура бўлими.

Данғарадаги ёғоч буюмлари заводининг Данғара деҳқон-саноат банкидаги 609722004 ҳисоб рақамлари билан № 322944 дан 322950 гача бўлган чекланган чек варақалари

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Данғара ёғоч буюмлари заводининг ЗСИ №123, 124, 125, 126 рақамли ишонч қоғозлари

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Қўқон шаҳар ички ишлар бўлими томонидан 14. 08. 1979 йилда МАҲМУДОВ Муҳтор Назиржонович номига берилган Ш—АД №606723 рақамли паспорт

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 4-ўрта мактаб томонидан 1993 йилда Салоҳиддин МАҲКАМОВ номига берилган АУ— № 316446 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Шарқ юлдузи» ойномаси ҳамда Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти жамоалари ойноманинг масъул котиби, ёзувчи Тоҳир Маликка волидаи муҳтарамаси **Санобархон ИСМОИЛХЎЖА қизининг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

Бош муҳаррир АЗИМ СУЮН


Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Знёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ.

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-53-14
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-76-04, 32-53-70
Фан ва маданият бўлими — 33-20-36
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-38-55, 32-55-70, 32-54-12
Котибият — 33-72-83, 32-53-06
Шароф Рашидов фонди — 33-20-36, 32-54-35

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ

Андижонда — 4-48-85; Нукусда — 4-44-62;
Бухорода — 3-96-12; Қаршида — 3-25-79;
Гулистонда — 2-26-22; Самарқандда — 35-22-90;
Жиззахда — 3-31-86; Урганчда — 6-72-60;
Навоийда — 3-74-76; Термизда — 2-23-01;
Наманганда — 6-43-43; Фарғонада — 6-37-16.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.
Ҳажми 3 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—531. № 173. топширилди — 22.45.
Навбатчилар: М. МУҲСИМОВ, Ш. СУЛТОНОВ.



МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ,
ГСП, МАТБУОТЧИЛАР
КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.

1 2 3 4 5 6.